



Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика
фанлари илмий тадқиқот институти

UZLUKSIZ TA'LIM



ILMIY-USLUBIY JURNAL

2020, № 2

ДЖУРАЕВ Рисбой
Бош муҳаррир

Журнал 2001 йилдан нашр қилина бошлаган.

Ўз МААдан 2007 йил 3 январда
№ 0101-тартиб рақами билан қайта
рўйхатдан ўтган.

Журналда эълон қилинган
мақолалардан иқтибос олинганда
«Ўзлуksиз таълим» журналидан
олинганлиги кўрсатилиши
лозим.

Тахрир ҳайъати:

Шерзод ШЕРМАТОВ
Баходир СОБИРОВ
Раҳманкулова НАРГИЗА
Бахтиёр ДОНИЁРОВ
Собитхон ТУРҒУНОВ
Холбой ИБРАГИМОВ
Шавкат ҚУРБОНОВ
Роҳатой САФАРОВА
Ислом ЗОКИРОВ
Абдусалом УМАРОВ
Одил КУЙСИНОВ
Лобар КАРАХАНОВА

Тахририят манзили:

100027, Тошкент ш.,
Фуркат кўчаси,
174-уй.

ЎзПФИТИ

Тел.: 0371-245-92-34

e-mail: uzluksiztalim_jurnal@mail.ru
liya_2305@mail.ru

ТАЪЛИМ МАЗМУНИ УЗЛУКСИЗЛИГИ

- 3 **М.Б.Рахимқулова**
Ўқувчиларни мантикий фикрлашга ўргатишда интерфаол методлардан фойдаланиш
- 8 **Ш.Худойқулова**
Бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштиришда таълимнинг узвийлиги
- 13 **Г.С.Хужаниёзова**
Математика таълимида амалий йўналтирилганлик тамойилини узлуксиз такомиллаштириш
- 17 **М.Пардаева**
Рақамли иқтисодиёт муҳтида мактаб ўқувчиларининг рақобатбардошлик кўникмаларини шакллантириш - самарадорлик омили
- 21 **С.Х.Тожибоева**
Ўқувчи-ёшларни тарбиялашда Абу Али ибн Сино таълимотларидан фойдаланишнинг лойиҳалаштириш технологияси
- 26 **С.Ибрахимов**
Uzluksiz ta'lim jarayonida innovatsion ta'lim texnologiyalarini qo'llash
- 30 **Г.А.Шахмурова, У.Ш.Саитжанова, Ш.А.Саитжанов**
Интегрированное применение математических методов и приёмов в биологии при непрерывном образовании
- 36 **Р.Х.Джуроев**
Современные вызовы в системе непрерывного образования
- 40 **Ж.Халмуратова**
Uzluksiz ta'lim tizimida dars tahlili va uni amalga oshirish texnologiyasi
- 43 **Ш.А.Намазова**
Развитие творческого мышления при изучении культурологии в непрерывном образовании

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МЕДИАТАЪЛИМ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

- 46 **З.Жабборова, Н.Эргашева**
Таълим тизимида медиатаълим ва уни узлуксиз ривожлантириш

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

- 51 **Р.Г.Сафарова**
Узлуксиз таълим жараёнида педагогларнинг маънавий-ахлоқий тарбияни амалга ошириш функциялари
- 55 **Ш.Сариев**
Узлуксиз таълим жараёнида бадий матн устида ишлаш орқали нутқ ўстириш тамойиллари
- 60 **Ғ.И.Ширинова, С.И.Хамраева**
Tarixiy hujjatlar bilan ishlash - dars samaradorligining muhim omili sifatida
- 64 **Р.Полинова**
Uzluksiz ta'lim tizimida sinfdan tashqari ishlarning tarbiyaviy ahamiyati
- 69 **М.Қ.Рахманова**
Таълим жараёнида ўқувчи-ёшларда ижтимоий фаоллиқни ривожлантиришнинг шакллари, самарали метод ва воситалари
- 74 **Д.И.Ходжакулова, Ф.И.Ходжакулова**
Узлуксиз таълим тизимида педагог шахсининг нутқ техникаси ва муомала маданияти
- 78 **З.Р.Каримова**
Проблемы и вопросы обучения устной речи учащейся молодежи
- 83 **Р.Торежанова**
Педагогические условия использования народных традиций эстетического воспитания в современном учебно-воспитательном процессе
- 88 **Н.Н.Джамилова**
Факторы влияющие развитию стратегии жизни у обучаемых

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

- 93 **А.Г.Тург'унбоева, С.И.Жо'раева**
Uzluksiz ta'lim jarayonida - chet tillarni o'qitishning o'ziga xos samarali usullari
- 98 **Р.Аманов**
Методика изучения химии в средне-образовательных и высшей школах в условиях интеграции с английским языком

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

- 104 **В.Сатторов, Ш.Э.Мамаражабов**
Мутахассислик фанларини ўқитишда инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар
- 108 **А.С.Мусинова**
Таълим тизимида болаларнинг халқ амалий санъатга бўлган қизиқишларини ривожлантириш



ЎҚУВЧИЛАРНИ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

М.Б.РАХИМҚУЛОВА,

СВХТХҚТМОХМ доценти, п.ф.н.

Ушбу мақолада интерфаол методлардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, интерфаол методлардан фойдаланиш асосида ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, бу жараёнда ўқитувчининг шахсий тажрибаси ва педагогик маҳоратининг ўрни, назариянинг амалиёт билан бирлигини таъминлаш, ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантириш, ўзаро фикр алмашиш ва янги билимларни ҳосил қилиш орқали ҳаётний компетенцияларни шакллантиришнинг шакл, метод, воситалари акс эттирилган.

Калит сўзлар: кичик гуруҳлар, интерфаол методлар, усуллар, технология, фикрлаш, қобилият, ҳамкорлик, педагогик жараён.

В этой статье отражаются свойственные стороны использования интерактивных методов, развитие логического мышления учеников на основании интерактивных методов, личный опыт учителя в этом процессе и роль педагогических навыков, обеспечение единства теории с практикой, развивать логическое соизерцание учеников, взаимно обмен мнениями, с выявлением новых знаний форма, метод, способы формирования жизненных компетенций.

Ключевые слова: малые группы, интерактивный метод, способы, технология, мышление, навыки, сотрудничество, педагогический процесс.

Special features of using interactive methods, developing pupils' thinking ability through using these interactive methods, the role of teachers' personal experience and pedagogical skills in this process, providing the unity of theory and practice, developing pupils' logical contemplation, exchange ideas and the form, method, tools in forming life competencies through creating new knowledge are given in this article.

Key words: small groups, interactive methods, techniques, technology, thinking, ability, cooperation, pedagogical process.

“Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да давлат таълим стандартлари компетенциявий ёндашувга асосланганлигига қарамадан, ўқитиш ва баҳолаш методлари, шунингдек дарсликлар ва бошқа ўқув материалларини асосан ахборотни ёдлаш ва баён қилишга қаратилган бўлиб, танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш, таҳлил қилиш кўникмалари ва бошқа малакаларни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётганлиги баён қилин-



ган [1].Интерфаол методларни таълим жараёнига жорий қилиниши таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади, яъни ўқувчини мустақил фикрлашга, қўйилаётган муаммони таҳлил қилишга, унда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга замин ҳозирлайди.

Интерфаол таълим – таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда ҳамкорликка асосланган қаракатни ташкил этувчи таълимдир[3].

XX- асрнинг биринчи яримларида америкалик файласуф, психолог ва педагог Джон Дьюи ҳам ўзининг дидактик тизимини кашф қилди ва уни Чикаго мактабларидан бирида муваффақиятли синаб кўрди. Джон Дьюи “Ўқув жараёнида ўқитувчи эмас, ўқувчи фаол бўлмоғи лозим” деган тақлиф билан чиқади. Ўқув жараёнида берилган билимлар ўқувчилар эҳтиёжига мос ва уларнинг ҳоҳишидан келиб чиққан бўлиши керак деб ҳисоблайди. У китобдаги билимларни қуруқ ёд олиш ҳеч нарсага олиб бормайди, аксинча ўқувчиларни ўқишдан совутиб, тафаккурни занглатади, деб тақидлаган. Муаммонинг пайдо бўлиши ўқувчини қийин аҳволга солади, унинг ечимини излайди ва фаол фикр юритади, бир қанча мулоҳазалардан кейин бу муаммонинг ечимини топиб ва синаб кўради, нотўғри бўлган тақдирда, яна ақл юритади ва яна синаб кўради, бу жараён бир неча мартаба қайтарилганидан кейин тўғри ечимини топади. Натижада фикр юритишнинг тўлиқ жараёни амалга ошганини кўрамиз. Шу боис бундай дидактик тизим муаммоли ўқитиш усули деб номланди.

Педагогик технологияларнинг энг асосий негизи - бу ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлигидир. Таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиши, ижобий натижага эришиши ўқув жараёнида ўқувчи мустақил фикрлаши, ижодий ишлаши, изланиши, таҳлил эта олиши, хулоса чиқариши, баҳолаши, ўқитувчининг ўқувчиларга шундай фаолиятлари учун имконият яратиши ўқитиш жараёнинг асоси ҳисобланади.

Бу ҳамкорлик ўқитиш жараёнининг қўйидаги: ўқувчи дарс давомида бефарқ бўлмаслиги, мустақил фикрлай олиши, ижод этиши, изланиши; ўқувчиларни ўқиш жараёнида билимга бўлган қизиқишларини ҳамда мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашишини кучайтириш; ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш хусусиятларига эгадир.

Таълимнинг турли усулларида фойдаланишда меҳнатни, вақтни, замонавий техник воситалардан фойдаланишни, тарқатма материал-



ларни тайёрлашни, ўқувчиларни фаоллаштириш усуллари қўллаш, ота-оналар ва мактаб ҳамкорлигини кучайтиришни талаб этади.

Замонавий интерфаол усулларда билим олувчиларни фикрлашга ўргатишга, ақлий ҳужум ва гуруҳларга ажратиб ишлаш услубига эътибор берилади. Интерфаол методлар: Э.Боно методи, “Кластер”, “Тафтаккур чўққиси”, “Зигзак” стратегияси, “Беш минутли эссе” стратегияси, “Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим” методи, “Инсерт” стратегияси, “Ақлий ҳужум”, “Музёра”...

Интерфаол метод - бу жамоа бўлиб фикрлашга айтилади. Яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунинг таркиби ҳисобланади. Интерфаол методларнинг ўзига хослиги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Интерфаол усуллар деганда, ўқувчилар фикрини фаоллаштириб, мустаҳил фикр юритишга ундайдиган таълим жараёнининг марказида турли педагогик усуллар тушунилади.

Гуруҳларга бўлиб ишлаш методидан фойдаланилганда ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлинади. Бу гуруҳларда бир хил ёки ҳар хил мавзуларда иш олиб бориш мумкин. Мавзуси бир хил бўлган гуруҳларда олиб борилган ишлар бир-бирига солиштирилади. Ҳамкорликда билим олиш ва гуруҳларга бўлиниб ишлашда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

Яъни, интерфаол методлардан фойдаланиш ўқувчи онгига, туйғусига, иродасига таъсир кўрсатиб тафаккурини кенгайтиради[2]. Интерфаол методлар орқали дарсларни ташкиллаштиришда уларнинг стратегияларини қисмларга бўлиб оламиз. Улар: Даъват (ақлий ҳужум, яқка, гуруҳли, жамоа бўлиб ишлаш), англаш (янги ахборотни, фикр, билимни танқидий таҳлил, мақсадини англаш), фикрлаш (мотив, нутқ, ўзаро мулоқот, тафаккур), инсерт (онг назорати, матн, муҳокама, тушуниш, таянч сигнал).

Интерфаол методлар орқали дарслар олиб борилганда ўқувчиларга дарсдан кутилаётган натижалар эълон қилинади, ўқувчилар ҳамкорлик технологиясини қўллашади, саволларга жавоб топиш учун вақт берилади, ўқувчиларнинг ҳаммаси дарсга фаол қатнашадилар, улар таҳлил ва қиёслашни ўрганишади, муаммоларни ечимини топишда ижодкорликларини намоён қилишади, ўқувчилар биргаликда (жуфтлик ва кичик гуруҳларда) ишлашни ўрганадилар, асосийси улар мустақил ишлаб мустақил фикрлашга ўрганадилар. Шулардан келиб чиқиб



- ўқувчилар билмаганларини сўраш;
- хотирасини ишга тушуришга;
- фаоллигини оиширишга;
- қизиқишини кучайтиришга;
- мотивацияни ўз олдига қўя олишни;
- манбалар билан ишлашни;
- топшириқларни мустақил бажаришга;
- манбалар, ахборот алмашишни ўрганадилар.

Интерфаол методларнинг дарсларда фойдаланиш тартиби ва қоидаларига тўхталамиз. Ақлий ҳужум – таълим бериш жараёнида муаммоларни ҳал қилишда кенг қўлланиладиган самарали методдир. Ўқувчи фикрлаш жараёнида баҳоланмайди, уларни хилма-хил янги ғоялар топишга ундаш керак. Ғоялар миқдори эса баҳоланади, яъни рағбатлантирилади. Ўқувчилар бир-бирларининг ғояларига асосланиши, ғояларини бириктириши ёки ўзгартиришлари мумкин. Ақлий ҳужумнинг ижобий томонлари билан бирга салбий томонларини ҳам эътироф этиш мумкин: ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик ҳамда ўқитувчи томонидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилишидир.

Масалан: “А.Навоийнинг ҳаёти ва ижоди” мавзусида ҳар бир ўқувчи шоирнинг ҳаёти ва унинг ижоди ҳақида фикрларини ёзишади (5 дақиқа). Кейин икки ўқувчи биргаликда фикрларини ёзишади (10 дақиқа) ва охирида икки гуруҳ ёзганларини жамлаб хат тахтага ёзишади. Ундан кейин гуруҳ сардори жавобни ўқиб беради. Гуруҳларда қолган ўқувчилар билмаганларини ёзиб олишади. Бунда 1 ўқувчи шоир ҳақида 5 тагача, 2 чи ўқувчи шоирнинг асарларини ҳақида, кичик гуруҳ 10-12 тагача ғазаллари ҳақида маълумот, катта гуруҳ 15-20 та ва жамоаники 20-30 та шоирнинг асарлари ҳақида ўз фикрларини айтиб беришади ва ҳ.к.

Ахборот узатиш методи. Синфда ўқувчилар бирор мавзу бўйича ўз билганларини бир-бирларига етказадилар (1 – ўқувчи бошлайди, қолганлари бир бир давом этади). Масалан, Ўзбекистон менинг ўлками мавзуси бўйича ўқитувчи “Ўзбекистон менинг Ватаним” деб бошлаб беради, 1-ўқувчи “Ўзбекистон менинг Ватаним, унинг пойтахти Тошкент шаҳри”, дейди, кейинги ўқувчи “Ўзбекистон менинг Ватаним, пойтахти Тошкент шаҳри, Ўзбекистонда катта шаҳарлар кўп эканлиги” ҳақида гапиради ва қолган ўқувчилар ҳам бирма-бир фикрларини қўшиб кетаверадилар. Шу тариқа ўйин давом этади ва охириги ўқувчи хулоса қилади. Бу усулда эшитиш, такрорлаш, эслаб қолиш ва нутқ



катта роль ўйнайди.

“Беш дақиқали эссе” стратегияси кичик ҳажмдаги эркин баён қилиниши усули бўлиб, ўрганилаётган ва таҳлил қилинаётган муаммо юзасидан ўқувчининг шахсий тасаввури, таассуротларини ифодалайди. Ўқувчилар томонидан ўрганиладиган мавзу ёки муаммо бўйича эркин фикр билдириш, мазмунини баён этиш имконини беради. Эссени яратишда ўқувчилар мавзу бўйича ғояларини умумлаштирадилар, тизимлаштирилади, ҳамда, хулосаларни баён этиш имконига эга бўлишади. Таълим жараёнида ушбу стратегияни қўйидагича қўллаш мумкин:

Замонавий интерфаол методлар ва АКТлардан фойдаланиб таълим беришни жорий қилиниши ўқувчининг қобилиятига, фикрлашига, малакасига, тарбиясига, ахборот алмашишни ривожлантиришга қаратилгандир.

Хулоса қилиб айтганда, интерфаол методлардан фойдаланиш жараёнида ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришида қўйидагича, яъни турли қарашларни юзага келтириши, ўқувчининг шахсий тажрибасига таяниши, назарияни амалиёт билан ҳамкорлигини таъминлаши, ўқувчиларнинг фикр алмашиши ва билимларини бойитиб бориши, ўзлаштиришлари ва бир-бирларини қўллаши, креативликларини рағбатлантириш каби усулларидан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республика Халқ таълими тизми 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. 2019 йил 29 апрель ПФ-5712-сонли фармони

2. Ибрагимов Х.И. Педагогик психология / Х.И.Ибрагимов, У.А.Йўлдошев, Х.Бобомирзаев; ЎзР Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Навоий давлат пед.ин-ти, Навоий вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ин-ти. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2007. 410 б.

3. Мухаммедов Ў.Х. Таълимни ташкил этишда замонавий интерфаол методлар. Ўқув-услубий тавсиялар / Ў.Х.Мухамедов, М.Ҳ. Усмонбоева, С.С.Рустамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. -45 б.

4. Зиёмухаммадов Б. Таълим технологиялари. Услубий қўлланма, - Т., 2012.

5. Толипов Ў. ва бошқалар. Педагогик технологиялар ва уларнинг тадбиқий асослари. – Т., 2006.



БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТАЪЛИМНИНГ УЗВИЙЛИГИ

Ш.ХУДОЙҚУЛОВА,
СамДУ ўқитувчиси

Ушбу мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини давлат таълим стандартлари талаблари доирасида тайёрлашнинг квалиметрик диагностикаси, халқаро баҳолаш меъзонлари, таълим сифатини баҳолаш муаммолари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Таълим сифати, концепция, илғор хорижий тажриба, мутахассисларни тайёрлаш, интеграция, таълим сифатини бошқариш, таълим сифатимониторингини, касбга тайёрлаш, бошланғич таълим, таълим олувчилар билими сифатини баҳолаш тизими, таълимнинг бошланғич даражаси, бошланғич билимлар, квалиметрик ёндашув, педагогик технология.

В данной статье рассматриваются количественные метрики подготовки будущих учителей начальных классов к выполнению требований государственных образовательных стандартов, международных критериев оценки, а также проблем оценки качества образования.

Ключевые слова: качество образования, концептуализация, передовой зарубежный опыт, подготовка специалистов, интеграция, управление качеством, мониторинг качества образования, предварительное обслуживание, начальное образование, система оценки качества.

This article discusses quantitative metrics for preparing future primary school teachers to meet the requirements of state educational standards, international assessment criteria, and also problems of assessing the quality of education.

Key words: quality of education, conceptualization, international best practices, specialist training, integration, up-to-date information, monitoring, preview, preview, system update.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида 2019 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ва уни амалга ошириш йўллари белгиланган.

Концепцияда “Олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш” ҳамда “профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида сўровлар



ўтказиш, жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали олий таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш шу билан биргаликда замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш”га катта эътибор қаратилган. [2]

Концепцияда республикаимиз олий таълимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қилиб қуйидагилар белгиланди: олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш, олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш.

Ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактаблари билан олий таълим муассасалари ўртасидаги узилиш, номутаносибликларни бартараф этишдоларб аҳамият касб этмоқда.

Санаб ўтилган муаммоларни бартараф этиш таълим муассасалари таълим –тарбия жараёнига замонавий ахборот ва коммуникация имкониятлари, ўқув предметлари интеграцияси концепцияси, рейтинг тизими, ўқувчилар (бундан буён умумий ўрта таълим ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари “ўқувчилар” деб юритилади) билим даражасини педагогик инновациялар ҳамда тест тизими асосида баҳолашни диагностика қилиш методикасига таянадиган, янги педагогик технологияларни жорий этишни талаб қилади. Таълимнинг сифати ва самарадорлиги, ўқувчиларни тайёрлаш сифати даражаси, ўзлаштириш кўрсаткичларини яққол аниқлаб берадиган тизимни яратиш зарурати вужудга келди.

Ж.О.Толипованинг докторлик диссертациясида биология ўқитувчиси илмий-методик тайёргарлигини таркиб топтириш ва мазкур тайёргарликни орттиришнинг концептуал асослари; уларни илмий тайёргарлик даражасини орттириш мазмуни ва методик тизимини ташкил этиш, бошқариш, самарадорликка эришиш йўллари; умумий ўрта, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида биология ўқитиш жараёнини такомиллаштиришнинг назарий-методик асослари ҳамда биология ўқитиш жараёнида педагогик ва ахборот-коммуникация



технологияларидан фойдаланишнинг илмий-методик асослари ишлаб чиқилган[4].

А.Рахимовнинг илмий изланишларида “талабаларнинг табиий-илмий дунёқарашини ривожлантиришомиллари, интегратив ёндашув асосида мазмуни, амалиётдаги ҳолати таҳлилэтилган ва назарий асослари ёритилган. Тадқиқот натижалари асосида инновацион таълим муҳити шароитига таълим мазмунини янгилаш, таълим-тарбия жараёнига инновацион ва ахборот технологияларини татбиқ этиш, талабаларнинг психологикхусусиятларини эътиборга олган ҳолда, Б.Блум таксономияси ўқув мақсадлари асосида ўқитиш жараёнини лойиҳалаш, ўқитишда фанларинтеграциясини амалга ошириш, ўқув фаолияти натижаларини баҳолашданостандарт адаптив тестлардан фойдаланиш ва табиий-илмий дунёқараширивожлантиришга замин яратадиган таълим макони деб таъриф берилган [5, 12 б.]

Ҳозирги кунда дунёнинг иқтисоди тараққий этган мамлакатларида мактаб - олий ўқув юртлари ўқувчи ва талабаларининг таълим кўрсаткичлари, натижалари тўғрисидаги батафсил ҳамда ўзига хос маълумотлар олинishi йўлга қўйилган. Масалан, АҚШда кейинги ўн йилликларда бутун мамлакат ўқувчиларининг билим даражаси, таълимдаги ютуқлари(тайёргарлик даражаси)ни аниқлашнинг ягона тест тизими йўлга қўйилган. Бизнинг мамлакатимизда ўқувчи ва талабаларнинг билимини баҳолаш тизими ҳали-ҳамон ўзининг бошланғич босқичида турибди. Шунга қарамасдан, айрим ижодий жамоаларнинг таълим олувчилар билим даражасини баҳолашга турли даражадаги илмий ёндашувни татбиқ қилиш борасидаги уринишларини ҳам инкор этиб бўлмайди. Булар сирасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузурида Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази, Ўзбекистон давлат тест марказларишулар жумласидандир. Аксарият тадқиқотчилар таълим олувчилар билими сифатини баҳолаш тизимини яратишда асосий эътиборни педагогик назоратни илмий ташкил қилиш, махсус тест имкониятларидан самарали фойдаланишга қаратиш зарурлигини эътироф этишади.

«Таълимнинг бошланғич даражаси» деганда ишда муайян ўқув предмети соҳаси асосий тушунча ва қонуниятларидан “саводсизлиги”дан ҳозир-



ги ҳолатигача бўлган даврда ўқувчининг эгаллаган мавжуд билим даражаси англанилади. Бунда «таълимнинг бошланғич даражаси» бошланғич билим ва кўникмалар сифатида бир ёш хусусиятидан иккинчисига, бир таълим босқичидан бошқаси (бошланғич синф– юқори синф, ўрта мактаб - абитуриент ва бошқа) га ўтганда диагностик таҳлил қилиниши керак бўлади. Бироқ, “бошланғич билимлар”ни диагностика қилиш технологияларини ишлаб чиқиш борасидаги илмий ишлар кўлами жуда қисқа [6].

“Бошланғич билимлар”ни таҳлил қилиш назарияси ва амалиёти ҳозирги шароити, ҳолатини қуйидаги қарама-қаршиликлар асосида тавсифлаш мумкин:

- илмий жараёнга “бошланғич билимлар”, “бошланғич билим даражаси” сингари тушунчаларни татбиқ қилиш зарурати ҳамда этироф этилаётган тушунчаларнинг асосланмаганлиги;

- ўқувчиларнинг таълимнинг бир босқичидан иккинчисига ўтишлари педагогик ходимлар томонидан уларнинг билимлари диагностикасини амалга ошириш борасидаги билимларга эҳтиёжи ва педагогик амалиётда диагностик технологияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги;

- ўқувчилар билим таркибини сифатли ва объектив диагностика қилиш зарурати ҳамда уларни баҳолашни амалга ошириш ранг-баранг педагогик механизмларининг йўқлиги.

Санаб ўтилган қарама-қаршиликлар ҳамда мавжуд педагогик-психологик адабиётлар таҳлиллари асосида “бошланғич билимлар”, “бошланғич билим даражаси”, “бошланғич” компетенция тушунчаларини назарий жиҳатдан англаш, ўқув предметлари юзасидан “бошланғич билимлар”, “бошланғич билим даражаси” таркибини аниқлаш диагностика технологияларини такомиллаштиришдан иборат тадқиқот муаммоси шакллантирилди.

Шундай экан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқувчилар билими сифатини объектив баҳолаш, экспертиза қилиш воситаларини лойиҳалашга ёрдам берадиган «таълимнинг бошланғич даражаси» ва «бошланғич билимлар»ини квалиметрик ва тезеуаресли ёндашув асосида педагогик технологияси асосида диагностика қилиш, ўқувчилар, абитуриентлар «таълимнинг бошланғич даражаси» ва таркибини ўзига хос тест технологиялари ёрдамида аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент.: Ўзбекистон. 2017. – 48 бет
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5847-сон фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2019 йил 9 октябрь.
3. Ибрагимов Р. Бошланғич таълим ўқувчиларида билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари: Док. дис. пед. фан. –Тошкент.: 2001. – 250 бет.
4. Толипова Ж.О. Биология ўқитувчисини илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттириш назарияси ва амалиёти Пед.фан.док.дисс.-Т.: -2006.-305 б.
5. Рахимов А. Талабаларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантириш методикасини такомиллаштириш. (“Эволюцион таълимот” фанини ўқитиш мисолида) 13.00.02 – таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология). Педагогика фанлари доктори (DsC) диссертациясиавтореферати. Тошкент –2019 йил. 62-бет.
6. Разработка пороговых оценочных средств для оценки общей образованности учащихся в системе непрерывного образования: Сб. науч. статей. /Под общей ред.Н.А.Селезневой, В.Г.Казановича. - М.: Исслед. центр проблем качества подготовки специалистов,1999.-101 с.



МАТЕМАТИКА ТАЪЛИМИДА АМАЛИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИК ТАМОЙИЛИНИ УЗЛУКСИЗ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Г.С.ХУЖАНИЁЗОВА,
ТМИ катта ўқитувчиси

Мақолада юқори малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда таълим жараёнида назария ва амалиёт интеграциясини таъминлаш, хусусан, математик таълимда амалий йўналтирилганликни такомиллаштириш ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Таянч сўзлар: амалий йўналтирилганлик, амалий масала, интеграция, математик моделлаштириш.

В статье дается комплексная идея обеспечения интеграции теории и практики в образовательном процессе, в частности, повышения практической направленности математического образования при одновременном повышении качества подготовки высококвалифицированных экономистов.

Ключевые слова: практическая направленность, прикладная задача, интеграция, математическое моделирование.

The article provides a comprehensive idea of ensuring the integration of theory and practice in the educational process, in particular, improving the practical orientation in mathematical education, while improving the quality of training highly qualified economists.

Key words: practical orientation, a practical issue, integration, mathematical modeling.

Республикамизда умумий ўрта таълим мактабларида математика ўқитишда амалий йўналтирилганлик масалалари 1980-2000 йилларида педагог-олимларимиз (Н.Р.Гайбуллаев, Т.Р.Толуганов, М.Раев, А.Мусурманов ва бошқалар) томонидан кенг ўрганилди. Бу ишларда асосан амалий йўналтирилганлик масалалари политехник жиҳатдан кўриб чиқилди. Бу даврда математика ўқитишда иқтисодий йўналтирилганлик ва уни амалга ошириш бўйича ҳам бир қатор (Ш.Саипназаров, А.Сувонкулов, Б.Отаниёзова бошқалар) тадқиқот ишлари амалга оширилди. Аммо сўнгги ўн йилликлардафанларнинг интенсив равишда ривожланиши, ахборот технологияларининг тез суръатларда ўсиши, Республикамиздаги иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда математик таълимда амалий йўналтирилганлик масалалари такомиллаштиришни талаб қилади.

Интегратив таълимнинг компоненти сифатида амалий йўналтирил-



ганликни билимлар (амалий мазмундаги масала) ва фаолият (математик моделлаштириш) орқали амалга оширилади. Амалий масалалар математика ўқитишда амалий йўналтирилганликнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Педагогик адабиётларда амалий масала тушунчаси турлича талқин этилади. Н.А.Терешининг фикрига кўра “амалий масала математикадан ташқарида қўйилган ва математик воситалар билан ечиладиган масаладир” [2].И.М.Шапиро амалий масалага қуйидагича таъриф беради “математиканинг татбиқларини қўшни (у билан боғлиқ) фанларда очиб берадиган масала, уни иқтисодиётда қўллаш билан таништиради...” [3].

Умумий ўрта таълим мактабларида математика ўқитишда алоҳида эътибор амалий масалалар тизимига қаратилади. Амалий масалалар мазмунида мамлакат тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган барча соҳалар ҳамраб олинади. Бундай масалалар ўқувчиларнинг келгусида мустақил ҳаётга тайёр бўлишларида муҳим аҳамият касб этади, назарий билимларни амалиётга татбиқ қила билишларида муҳим босқич вазифасини ўтайди.

Бу масала 7-9 синфлар “Алгебра” курсини ўқитишда такомиллаштиришни талаб қилади (“Узлуксиз таълим” журнали 2019 йил, 3-сон). 7-9 синфлар учун амалдаги мавжуд дарслик ва ўқув қўлланмаларида асосан кимёвий, физик мазмундаги амалий масалалар турлари (натурал сонларга доир масалалар; прогрессияга доир масалалар; процент миқдорли масалалар (эритма моддалар ҳақида); ҳаракатга доир масалалар (бирор ишнинг бажарилиши ва бирор ҳажмдаги жисмларни суюқлик билан тўлдириш ёки бўшатиш ҳақидаги масала); биргаликда бажарилган иш масалалари; тенглама тенгламалар системаси тузиб ечиладиган масалалар; тенгсизлик тузиб ечиладиган масалалар) ўрин олган. Иқтисодий тушунчалар билан боғлиқ иқтисодий мазмундаги амалий масалалар етарли эмас.

Иқтисодий йўналишдаги ОТМларида бўлажак иқтисодчиларни тайёрлаш сифатини оширишнинг бир усули математик фанларни ўқитишда амалий йўналтирилганликни таъминлашдан иборат. Бу эса таълим мазмуни ва ўқитиш методикасида ўзгаришларни талаб қилади.

“Иқтисодчилар учун математик” курсида иқтисодий мазмундаги амалий масалаларни тизимини қўллашнинг педагогик шартлари сифатида биз қуйидагиларни ажратамиз:



– иқтисодий мазмунга эга бўлган амалий масалаларни ечиш усуллари ва методларини ўзлаштиришга талабаларни фаоллаштириш, бу ерда асосий воситалар: предметли масалаларни ечиш, ижодий масалаларни ечиш;

– математика бўйича турли мавзуларда иқтисодий мазмундаги амалий масалаларни қўллашда тизимлилик, изчиллик, комплекслиликни амалга ошириш, бу ерда асосий воситалар сифатида: муаммоли вазиятлар, ролли ўйинлари;

– талабаларни фаол ўқитиш шакллари ва методларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий-математик мазмундаги фаолиятга киритиш, бу ерда асосий воситалар: ўқув мунозаралари, ишбилармонлик ва интеллектуал ўйинлар;

– иқтисодий мазмундаги амалий масалаларни ўқитиш жараёнида ўқув-методик таъминот, бу ерда асосий воситалар: амалий масалалар тизими, ишбилармонлик ўйинлари ишланмаси, бизнес тренинглар.

– талабаларнинг иқтисодий фикрлашини ривожлантириш, воситалар сифатида: имитацион ўйинлар.

Математик билимларни амалий нуқтаи назардан очиш математиканинг иқтисодиёт билан интеграциясини амалга оширадиган иқтисодий мазмундаги масалалар тизимини талаб қилади.

Иқтисодий мазмундаги амалий масалалар комплексини яратиш учун биз қуйидаги талабларни ажратамиз: масаланинг иқтисодий фабуласи мос математик материални ўрганиш мотивацияга ёрдам бериши керак; иқтисодиёт соҳаси учун характерли асосий ва мумкин бўлган муаммолар киритилиши; ёки масаланинг шартида, ёки ечиш жараёнида масаланинг предметлараро характерини кўрсатиш; топшириқнинг қўпбосқичлилиги.

Биз “Иқтисодчилар учун математик” курсини ўқитишда иқтисодий мазмундаги амалий масалаларнинг қуйидаги беш турини ажратамиз:

1. Иқтисодий кўрсаткичларнинг қийматини топиш.
2. Иқтисодий кўрсаткичлар орасида боғланиш ўрнатиш.
3. Иқтисодий фаолиятни прогнозлаштириш.
4. Иқтисодий фаолиятни режалаштириш.

Ишлаб чиқилган масалалар тизими иқтисодий жараёнларни тав-



сифлайдиган асосий иқтисодий-математик моделларни қамраб олади, улар статик (оддий, мураккаб фоизларни ҳисоблаш, дисконтлаш), динамик (ишлаб чиқариш функцияси, талаб ва таклиф функцияси, меҳнат унумдорлиги, фоизларнинг узлуксиз қўшилиши, аҳолининг ўсиши ва бошқалар), оптималлаштириш (аниқ иқтисодий объектда ҳаражатларни минималлаштириш ёки фойдани максималлаштириш ва бошқалар), стохастик (қимматли қоғозлар ишончлилигини ҳисоблаш, суғурта тўлови суммасини аниқлаш ва бошқалар).

Санаб ўтилган турдаги масалалар иқтисодий жараёнларни тадқиқ қилиш учун математик моделлаштиришни қўллаш имкониятини кўрсатади ва талабаларда иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш методи воситасида касбий кўникма ва малакаларни шакллантиради.

Узлуксиз математик таълимда амалий йўналтирилганликни такомиллаштириш яхлит ўқув-тарбия жараёни, математик ва иқтисодий фанлар интеграцияси учун кенг имкониятлар очади. Жумладан, иқтисод йўналишидаги ОТМ ларида иқтисодий фанларнинг назарий математик билимлар билан интеграциялашуви асосида математик таълимда амалий йўналтирилганликни такомиллаштириш мутахассиснинг касбий-математик компетентлигини шакллантиришга катта ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони.
2. Терешин Н.А. Прикладная направленность школьного курса математики. - М.: Просвещение, 1990. - 96 с.
3. Шапиро И.М, Использование задач с практическим содержанием в преподавании математики: Кн. для учителя - М. Просвещение, 1990.- 96 с.
4. M.Harrison and P.Waldron. Mathematics for economics and finance. London and New York 2011.



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ МУҲИТИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

М.ПАРДАЕВА,

ХТВ хузуридаги РТМ директори ўринбосари

Мазкур мақолада ўқув дастурлари мазмуни ва баҳолаш тизимини рақамли иқтисодиёт муҳиtida мактаб ўқувчиларида рақобатбардошлик кўникмаларини ривожлантириш заруратини инobatта олган ҳолда такомиллаштириш бўйича таҳлиллар ва фикр мулоҳазалар ёритилган.

Таянч сўзлар: *умумий ўрта таълим, рақамли иқтисодиёт, компетенция, ўқув дастури, баҳолаш, саводхонлик, халқаро баҳолаш дастурлари, барқарор тараққиёт.*

В этой статье освещена анализ и комментарии, как улучшить содержание учебных программ и системы оценки результатов обеспечения, учитывая необходимость развития навыков конкурентоспособности у учащихся в среде цифровой экономики.

Ключевые слова: *общее среднее образование, цифровая экономика, компетенция, учебная программа, оценка, грамотность, компетенция, международные программы оценивания, устойчивое развитие.*

Ҳозирги кунда робот ва рақамли технологиялар туфайли кўплаб ижтимоий-иқтисодий жараёнлар автоматик равишда амалга оширилиши ҳамда таълим олувчиларни билимларни ёдлаб қолиш, стандарт масалаларни ечиш эмас, балки мантиқий ва креатив фикрлашга, маълумотларни оддийгина тўплаш ва эслаб қолиш эмас, қидириб топиш ва уни танқидий баҳолаш, кундалик фаолиятида мақсадли, самарали қўллашга ўргатиш зарур.

Аввалги таълим (2010-2017 йй.) мазмуни бундай талабларга жавоб берганми, – деган савол туғилади. Дастлаб ўқув дастурлари ва дарсликларнинг мазмунини тўлиқ таҳлил қилиб, барқарор тараққиёт таълими талаблари (1-жадвал) ва миллий таянч компетенциялар тизими ўртасидаги ўзаро муносабатларни таъминлаш механизминини когнитив ва ижтимоий-эмоционал компонентларга хос фаолият натижаларини прогностик жараёнларнинг интеграл уйғунлигини эмпирик баҳолаш асосида такомиллаштириш зарурати асослаб олинди.



1-жадвал


Барқарор тараққиёт таълимининг таянч компетенциялари

Таълим соҳалари	Таянч компетенциялар	Категориялар	Кўникмалар
Борлиқни англашни ўрганамиз (Когнитив)	Барқарор тараққиётнинг иқтисодий жиҳати	1 (иқтисодий барқарорлик)	Тилларни билиш, рақамли, илмий, медиа, молиявий саводхонлик
	Барқарор тараққиётнинг экологик жиҳати	2 (экологик барқарорлик)	Муаммоларни еча олиш, тадқиқотчилик, масъулиятлилик
	Барқарор тараққиётнинг ижтимоий жиҳати	3-10 (фуқаролик/глобал фуқаролик)	Фуқаролик ва маданий саводхонлик, мослашувчанлик, масъулиятлилик, муштакиллик
	Барқарор тараққиёт таълими ва глобал фуқаролик таълими компетенциялари	11 (когнитив кўникмалар)	Таъқидий, ижодий фиклаш, муаммоларни еча олиш, тадқиқотчилик
Яшашни ўрганамиз (Ижтимоий-эмоционал)		12 (муносабат, қадрият)	Фуқаролик ва маданий саводхонлик, коммуникативлик, кооперация/ҳамкорликда ишлаш
Қўллашни ўрганамиз (Фаолият)		13 (ҳаракат ва фаолият)	Ташаббускорлик, мослашувчанлик, лидерлик, тиришқоклик, қизғувчанлик, масъулиятлилик, муштакиллик

Таҳлиллардан кўриндики, фанлар мазмунинг бугунги прогрессив тараққиёт даврининг энг муҳим жиҳатларига мутаносиблиги кўрсаткичлари (1-жадвалда кўрсатилган кўникмалар дастурда мавжуд бўлса 1, бўлмаса 0) паст даражада бўлган (1-, 2-, 3-расмлар).




1-расм: Табиий фанлар мазмунининг барқарор тараққиёт таълими компетенцияларига мутаносиблиги кўрсаткичлари



2-расм: Аниқ фанлар мазмунининг барқарор тараққиёт таълими

компетенцияларига мутаносиблиги кўрсаткичлари



3-расм: Ижтимоий фанлар мазмунининг барқарор тараққиёт таълими компетенцияларига мутаносиблиги кўрсаткичлари

Бугунги кунгача амалда бўлиб келган ўқув дастурлари асосан маълум бир ҳажмдаги билимларни ёд олиш, стандарт назарий масалаларни ечишга йўналтирилган бўлиб, ўқувчиларда ҳаётда учрайдиган муаммоларни еча олиш, меҳнат бозорининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларига мос равишда касб танлаш, ўз фаровонлиги барқарорлигини таъминлаш ҳамда рақобатбардошлик кўникмаларини ривожлантирмаган.

Хусусан, Информатика фани ўқув дастури ва дарсликлари мазмунни асосан ўқувчиларда компьютердан фойдаланиш бўйича техник саводхонлик, маълумот олиш, билимларни ёдлаб қолиш ва стандарт масалаларни ечиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, замонавий талабларга умуман жавоб бермай қолган эди (4-расм).



4-расм: Информатика ва ахборот технологиялари фани мазмунининг барқарор тараққиёт таълими компетенцияларига мутаносиблиги кўрсаткичлари

Дастлабки натижаларга тўхталсак, масалан, гарчи бошланғич



синфларда Информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитилма-сада, Математика фани бўйича 1-4-синфлар ўқув дастурларига алго-ритм тушунчалари, математик амалларнинг информатик талқини, дастурлаш тилларида қўлланиладиган математик атамаларнинг талқин-лари киритилган бўлиб, дарсликларда бу тушунчалар ўқувчилар ёшига мос равишда ёритилган.

Масалан, 10-синф Информатика ўқув дастурига “Электрон жад-валлар билан ишлаш”, яъни бизнес режа асосида ҳисоб-қитоблар юри-тиш, “Маълумотлар омбори билан ишлаш” каби мавзулар киритилган бўлиб, бевосита ўқувчиларда математик, иқтисодий саводхонлик ва рақамли маълумотлар билан ишлаш кўникмалари ривожлантирилади.

Шунингдек, 11-синфда веб-дизайн асослари, Ахборот тизимлари хав-фсизлиги, электрон ҳужжат билан ишлаш, электрон ҳукумат, веб-саҳифа ва сайтлар билан ишлаш ўқитилади. Бунда ўқувчиларнинг рақамли му-ҳитда хавфсиз ишлаш, минтақавий ва глобал тармоқлар, корпоратив ах-борот тизимларида ишлаш олиш кўникмалари ривожлантирилади.

Айрим ўқитувчилар учун бундай ўзгариш осон бўлмайди. Бундай даврда рақобатбардошлик, шахслараро муносабатларни ўрната олиш қобилияти зарур бўлганлиги сабабли, ўқув дастурлари мазмунини ўқув-чида танқидий фикрлаш, коммуникативлик, ижодий яратувчанлик ва ҳамкорлик кўникмаларини, яъни компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелда-ги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ри-вожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Т.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳа-сидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги 997-сонли қарори.

3. Инчхонская декларация - Образование-2030: обеспечение всеобще-го инклюзивного и справедливого качественного образования и обучения на протяжении всей жизни https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000233137_rus.

4. Преобразование нашего мира: Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. https://www.un.org/ga/search/view_doc.asp?symbol=A/RES/70/1&Lang=R.



ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА АБУ АЛИ ИБН СИНО ТАЪЛИМОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

С.Х.ТОЖИБОЕВА,

ЎзПФИТИ мустақил изланувчиси

Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчи-ёшларларини тарбиялаш жараёнида мутафаккир Абу Али ибн Сино таълимотларидан фойдаланишда лойиҳалаш технологияларининг аҳамияти ва тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг аниқ мақсади ва ижтимоий ғояга асосланганлиги, ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий-техник жиҳатлари тўғрисида фикрлар билдирилган. Шунингдек, узлуксиз таълим тизимида ёшларнинг маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга технологик ёндашувининг моҳияти, улар мустақиллигини таъминловчи омиллар ва биология фани дарсларида Абу Али ибн Сино таълимоти асосида тарбия жараёнини лойиҳалаш босқичлари ёритилган.

Калим сўзлар: Мутафаккир таълимоти, тарбия, ўқувчи, ёшлар, технология, лойиҳалаш, шаклланиш, мактаб, биология фани.

This article provides insights into the importance of project technology in the use of Avicenna's teachings in the education of secondary school pupils and the specific purpose of technology education and social reasoning, and the organizational and technical aspects of pedagogical activity aimed at developing pupils' moral and ethical qualities. The essence of the technological approach of young people to the organization of spiritual and educational activities in the system of continuous education, the factors that ensure their independence, and the stages of designing the educational process based on the teachings of Avicenna in the lessons of biology.

Key words: Scientist education, education, pupil, youth, technology, project, developing, school, lessons of biology.

В этой статье дается понимание важности технологии проектирования при использовании учений Авиценны в обучении учащихся средних школ и конкретной цели технологического образования и социального мышления, а также организационных и технических аспектов педагогической деятельности, направленных на развитие нравственных и этических качеств учащихся. Важность технологического подхода молодежи к организации духовно-просветительской деятельности в системе непрерывного образования, факторы, обеспечивающие их самостоятельность, и этапы проектирования воспитательного процесса на основе учения Авиценна на уроках биологии.

Ключевые слова: Обучении мыслитель, воспитание, ученик, молодежь, технология, проектирование, развитие, школа, уроках биологии.



Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз» деганларида фарзандларимизнинг, ёш авлоднинг тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг куйидаги фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишлари лозимлигини таъкидлайди: «Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ»[1] деб таъкидладилар.

Халқимиз фарзанд дунёга келганидан бошлаб, то камолга етгунига қадар унинг таъминоти, таълим-тарбияси ва билим олиши, касб-хунар эгаллашига, умуман, етук инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор ҳаратиб келган. Хусусан, ижтимоий жамиятимиз – ёшларнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий онги ва маданияти юқори бўлишини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Мурожаатномасида «...Халқимизда «таълим ва тарбия бешиқдан бошланади» деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди»[2] деган фикрлари ҳам сўзимизни яна бир бор исботлайди.

Бинобарин, жамиятимизнинг ривожини ўсиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбия даражасига боғлиқ экан, ўқувчи-ёшларларни тарбиялаш жараёнида мутафаккир Абу Али ибн Сино таълимотларидан фойдаланишнинг лойиҳалаш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Билоғия фани ўқитишда Абу Али ибн Сино таълимотлари асосида тарбия жараёнини технологиялаштириш – аниқ мақсад ва ижтимоий ғояга асосланиб, ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий-техник жиҳатдан уюштирилишидир.

Узлуксиз таълим тизимида ёшларнинг маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга технологик ёндашувининг моҳияти, улар мустақиллигини таъминлашда қуйидаги омилларнинг мавжудлигига эътиборни қаратишни тақозо этади:



Тадбирларни ташкил этишда ёшлар мустақиллигини таъминловчи омиллар

Биринчи, ўқувчиларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан ички эҳтиёж, қизиқиш ва рағбатнинг мавжудлиги;

Иккинчи, ўқувчиларнинг тарбиявий тадбирларни мустақил ташкил этиш борасида муайян тажрибаларга эга эканликлари;

Учинчи, тадбир ғояси ўқувчилар ички эҳтиёжларига мос келиши[3].

Билоғия фани дарсларида Абу Али ибн Сино таълимоти асосида тарбия жараёнини лойиҳалаш қуйидаги босқичларда кечади:

1). Абу Али ибн Сино таълимотидан фойдаланишга доир материалларни йиғиш;

2). Ўқувчиларни тарбиялашда Абу Али ибн Сино таълимотидан фойдаланишнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш;

3). Ўқувчиларни тарбиялашда Абу Али ибн Сино таълимотидан фойдаланишга бағишланган тадбирнинг мазмунини ишлаб чиқиш;

4). Ўқувчиларни тарбиялашда Абу Али ибн Сино таълимотидан фойдаланишга бағишланган тадбирнинг шакли, методлари ва воситаларини танлаш;

5). Ўқувчиларни тарбиялашда Абу Али ибн Сино таълимотидан



фойдаланишга бағишланган тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш (давомийлиги) вақтини белгилаш;

6). Ўқувчиларни тарбиялашда Абу Али ибн Сино таълимотидан фойдаланишга бағишланган тадбирнинг сценарийсини ишлаб чиқиш;

7). Ўқувчиларни тарбиялашда Абу Али ибн Сино таълимотидан фойдаланишга бағишланган тадбирнинг фаолиятини назорат қилиш, уларнинг фаоллик даражаларини норасмий (уларни бу ҳақида хабардор қилмасдан) баҳолаш;

8). Лойиҳани амалий фаолиятда қўллаш;

9). Тадбирни ташкил этиш жараёни;

10). Ўқувчиларни тарбиялашда Абу Али ибн Сино таълимотидан фойдаланишга бағишланган тадбирнинг ўтказилиш ҳолати (самарали, самарасиз, муваффақиятли, муваффақиятсиз кечганлиги)ни муҳокама қилиш ва якуний хулоса чиқариш.

Таълим жараёнидан фарқли тарбия жараёнини технологиялаштиришда бу жараённинг самарасини қисқа муддат оралиғида кўра олиш имконияти йўқ. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддиятлар тарбиявий жараёни технологиялаштиришга нисбатан ижодий ва масъулиятли ёндашиш зарурлигини тақозо этади[3].

Таълим муассасаларида ташкил этилувчи маънавий-маърифий тадбирларни – жумладан, Абу Али ибн Сино таълимоти бўйича тадбирни ташкил этишга технологик ёндашув қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

– тадбир мавзуси ва ғоясини ўқувчилар томонидан билдирилган шахсий ташаббуслар, уларнинг хоҳиш-истакларига кўра белгилаш;

– тадбир сценарийсини ишлаб чиқишда ўқувчиларнинг мустақил фаолият юритишлари учун шарт-шароитларни яратиш;

– тадбир мазмунида ўз ифодасини топган роллarning мажбурий тарзда эмас, балки ўқувчиларнинг лаёқати, қобилияти, шунингдек, қизиқишларини инобатга олиш асосида тақсимланишига эришиш;

– тадбирнинг ташкил этилиши ва ўтказилишида ўқитувчининг роли буйруқ беришдан иборат бўлмай, аксинча, ўқувчиларга йўл-йўриқ кўрсатиш, уларнинг фаолиятини йўналтириб туриш ҳамда зарур ўринларда маслаҳат бериш сифатида акс этишига эришиш;



– тадбир мақсадининг натижаланганлигини синф, гуруҳ ўқувчиларининг фаол иштирокига таянган ҳолда муҳокама қилиш.

Ўтказилган тадбир натижасининг муҳокамаси жараёнида ўқитувчи томонидан турли танбеҳларнинг берилишига йўл қўймаслик, аксинча йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг ўқувчиларнинг ўзлари томонидан аниқланиб, уларни бартараф этиши ва кейинги тадбирни ўтказиш жараёнида уларнинг такрорланишини олдини олиш йўлида чора-тадбирларни белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида, биология фанини Абу Али ибн Сино таълимотлари асосида ўқитиш технологияси ўз моҳиятига кўра муҳим икки жиҳатни, яъни, таълим ҳамда тарбия жараёнининг технологиялаштирилишини ифода этади. Баркамол шахсни шакллантириш муаммосининг ижтимоий зарурият сифатида эътироф этилаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишда янгича ёндашувни қарор топтиради, шунингдек, мазкур жараённи технологиялаштиришга эришишда муҳим педагогик вазифани бажаради. Шунингдек, узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларга биология фани дарсларида Абу Али ибн Сино таълимотини лойиҳалаштириш технологияси асосида таълимни амалга ошириш, таълим ва тарбия тизимининг такомиллашишида ўз ифодасини топади.

Фойдаланилган адабиётлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. – 2016 йил 7 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2018. – 29 дек.

3. Алиқулова М.М. Инновацион педагогика. Услубий қўлланма. Тошкент: «ТДИУ» нашриёти, 2012. 130 б.



UZLUKSIZ TA'LIM JARAYONIDA INNOVATSION TA'LIM TEKNOLOGIYALARINI QO'LLASH (jismoniy tarbiya fani misolida)

S.IBRAXIMOV,

O'zMU o'qituvchisi p.f.f.d(PhD)

Mazkur maqola uzluksiz ta'lim tizimida jismoniy tarbiya darslarini tashkil etishda foydalaniladigan bir necha metodlar va ularni dars jarayoniga tatbiq etish samaradorligi bo'yicha fikr-mulohazalarga qaratilgan.

Tayanch so'z va iboralar: jismoniy tarbiya, jismoniy mashqlar, metodlar, kasb-xunar kollejlari, oliy ta'lim tizimi, jismoniy tezlik, jismoniy nagruzka, talabalar, o'quvchilar.

This article focuses on the usage of the range of methods in organization of physical education lessons in the system of continuous education, on effective implementation of opinions and expressions in the process of teaching.

Key words: physical education, physical exercises, methods, secondary specialized professional colleges, system of higher education, physical efficiency, physical activity, students.

Лекин медиа таъсирининг кучайиши ва мактаб ўқув-тарбия жараёнида ундан фойдаланиш самарадорлиги ўртасида очиқдан-очиқ қарама-қаршилиқ мавжуд. Педагогика фани ва амалиётида ҳозирга қадар замонавий медианинг таълимий, тарбиявий ва дидактик имкониятлари етарлича баҳоланмаяпти, бунга асосан медиага оид кўпгина тушунчаларнинг мураккаблиги ва етарлича ишлаб чиқилмаганлиги, ушбу соҳа педагоглари компетентлилик даражасининг пастлиги, таълим муассасаларининг техника билан етарлича таъминланмаганлиги сабаб бўлмоқда.

Узлуксиз таълимда компьютер ва мультимедиа технологиялари имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда қуйидагиларга эришиш мумкин:

- компьютердан ва интерфаол усуллардан фойдаланиб, узлуксиз таълимда таълим сифатини ошириш;
- талабаларни дарс мавзусига қизиқтириш;
- билимларнинг пухта ўзлаштирилишига эришиш;



- талаба тафаккурини ривожлантириш, яъни ўқувчини фикрлашга ўргатиш;
- талабаларни ўзаро мулоқот (муомала) қилишдаги фаол иштирокини таъминлаш;
- ўқувчилар гуруҳида муътадил психологик иқлим яратиш;
- компьютернинг ҳисоблаш, ахборот излаш ва узатиш, ахборотларни қайта ишлаш, график имкониятини ўзлаштириш;
- таълим-тарбия жараёни назорати диагностикаси ва баҳолашни амалга ошириш;
- тармоқ орқали касбий маҳорат, илмий-услубий адабиётларни алмашиш имконияти;
- таълим муассасаларининг марказлашган бошқаруви.

Бундан кўриниб турибдики, узлуксиз таълимда компьютер ва мультимедиа воситаларининг имкониятлари нафақат ёшларнинг шахс сифатида шаклланишига кўмак беради, балки уларнинг қобилиятлари юзага чиқишига имкон беради. Таълим беришнинг бу услубларидан ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг роли бутунлай ўзгаради. Ўқитувчи назарий билимларини, турли услубларини ва йўриқномаларини берувчи ўқитувчидан турли шароитларда юзага келадиган муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган малакали маслаҳатчига айланади. Ўқувчи-талабалар эса мақсадларини шакллантирадилар, муаммоларни аниқлайдилар, ахборотларни таҳлил қиладилар ҳамда муаммоларни ечиш мумкин бўлган йўллари кўрсатадилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факул. тингловчилари, акад.лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т. : Низомий номидаги ТДПУ, 2004. – 44 б.

2. Медиаобразование //Российская педагогическая энциклопедия. Т.1/ Гл. ред. В.В.Давыдов. – М.:Большая Российская энциклопедия, 1993. –555 с.



УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФУНКЦИЯЛАРИ

Р.Г.САФАРОВА,

ЎзПФИТИ лаборатория мудир, п.ф.д, профессор

Ушбу мақола узлуксиз таълим жараёнида педагогларнинг маънавий-ахлоқий тарбияни амалга ошириш борасидаги функцияларини таҳлилига бағишланган. Шунингдек, мақолада таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий ривожлантиришда педагогнинг шахсий намунаси катта аҳамият касб этиши ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўз ва иборалар: “оммавий маданият”, ўқитувчи, талаба-ёшлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар, шахслараро ижтимоий муносабатлар, ижтимоий педагогик муҳит, глобал ахборот оқимлари, оммавий ахборот воситалари, ижодкор, ташаббускор, идеал шахс.

Данная статья посвящена анализу функций учителей в реализации духовно-нравственного воспитания в процессе непрерывного образования. В статье также утверждается, что личный пример учителя играет важную роль в духовном и нравственном развитии студентов.

Ключевые слова: «массовая культура», учитель, студенты, духовно-нравственные ценности, межличностные социальные отношения, социально-педагогическая среда, глобальные информационные потоки, средства массовой информации, креатив, предприимчивость, идеальный человек.

This article is devoted to the analysis of the functions of teachers in the implementation of spiritual and moral education in the process of continuing education. The article also argues that the personal example of the teacher plays an important role in the spiritual and moral development of students.

Key words: «mass culture», teacher, students, spiritual and moral values, interpersonal social relations, social pedagogical environment, global information flows, mass media, creative, enterprising, ideal person.

“Оммавий маданият” ҳуружлари тобора кенг тус олган бугунги кунда ўқитувчилар зиммасидаги вазифаларнинг салмоғи ортмоқда. Ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий ривожлантириш, зарarli одатлардан қайтариш орқалигина “оммавий маданият” ҳуружларига қисман монъелик қилиш мумкин. Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ўқувчи ва талаба-ёшлар “оммавий маданият” тарафдорлари томонидан илгари суриляётган воситаларга тез берилиб, ўз хатти-ҳара-



катларини мослаштирмақдалар. Ўқитувчилар мустақил фикрловчи, тезкор, ташаббускор, ватанпарвар, фидойи ёшларни тарбиялаш орқалигина уларда умуминсоний ва миллий қадриятларга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантира оладилар.

Давлат ва жамият, таълим муассасаларининг муҳим ва устивор вазифаларидан бири ўқувчи ҳамда талаба-ёшларни маънавий камол топтириш, уларни ўз халқи, ватани, маданий бойликларига нисбатан ҳурмат билан ёндашишга ўргатишдан иборат. Ўқитувчилар биринчи навбатда ташаббускор, мустақил фикрловчи, ватанпарвар, фидойи ёшларни қўллаб-қувватлашлари, шу асосда маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожлантиришлари лозим. Ўқувчи ва талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий ривожланишлари учун қулай ижтимоий педагогик муҳитни яратиш таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва ўқитувчилар олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Миллий маданиятни ривожлантириш концепциясида ўзбек халқининг маданий бирлигини таъминлаш ёш авлодда маданият бойликларидан фахрланиш, уни ўзлаштиришга интилиш туйғусини шакллантириш вазифаси қўйилган [1]. Аجدодларимиз томонидан яратилган кўп асрлик маданий бойликлардан ўқувчи ҳамда талаба-ёшларни бағраманд қилиш педагогдан чуқур билим ва умуммаданий компетентликни талаб қилади. Ўқувчи ҳамда талаба-ёшларда ўз халқи ва ватанининг маданий бойликларига ҳурмат туйғусини шакллантириш Ватан тарихи, санъати ва маданияти намуналарини ўргатишдан бошланади. Бунинг учун биринчи навбатда халқимизнинг кўп асрлик тарихи ва тил бойликларини ўқувчиларга тақдим этиш, уларда она тилига нисбатан чексиз муҳаббат уйғотишдан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш, ўқувчиларда таълим олишга кучли мотивацияни шакллантириш таълим тизимининг устивор йўналишлари сифатида белгилаб қўйилган[2].

Ўқувчиларни маънавий ривожлантириш, инсон камолотини таъминлаш масаласи сўнгги йилларда Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) ва ЮНЕСКОнинг ҳужжатларида ҳам ўзининг устивор ўрнига



эга бўлмоқда. Ушбу ҳужжатларда идеал шахсни шакллантириш, инсонлар орасида ўзаро тинчлик ва келишувга эришиш, инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинлигига ҳурмат, шахснинг тўлақонли ривожланиши ва етуклигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси[3]да “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, ҳатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” устувор вазифалар этиб белгиланди. Шунинг учун ҳам ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш узлуксиз таълим тизимининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, давлатнинг таълим олдига қўяётган ижтимоий буюртмасини белгилайди. Педагогикага оид сўнгги тадқиқотларда республикаимиз олимлари шахснинг фикрий-қадриятли соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу эса ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожлантириш йўналишларини белгилаш имконини бермоқда. Шахс маънавиятини ривожлантиришнинг турли босқичлари орасида узвийлик ва узлуксизлиқни таъминлаш ҳам педагогик изланишларнинг асосий йўналишларини белгилаб бериши лозим.

Шахснинг маънавий шаклланиши ўз-ўзидан вужудга келмайди. Бунинг учун ҳар бир инсон ўз устида ишлаши, мустақил билим олиши, умуминсоний ҳамда миллий маданият бойликларини ўзлаштириши, улардан амалий фаолиятида фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг ёш авлод маънавиятини шакллантиришдаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Узлуксиз таълимнинг барча босқичларида таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий ривожлантиришда педагогнинг шахсий намунаси катта аҳамиятга эга. Ташаббускор, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, мустақил фикрловчи, компетентли ёшларни тарбиялашда педагогнинг касбий билимлари ва обрў-эътибори ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ўқитувчининг обрў-эътиборини юксалтириш давлат сиёсатидаги устивор масалалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди[4]. Чунки бугунги кунда педа-



гог ўз зиммасига нафақат ўқувчи ва талаба-ёшларга замонавий билимларни бериш, балки уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан шакллантириш, фуқаролик туйғусини таркиб топтириш вазифасини ўз зиммасига олмоқда.

Педагог таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштирар экан, халқ донишмандлиги, аجدодларимизнинг ақл-идроки маҳсули бўлган маданий бойликларни объектив воқеълик билан боғлиқ ҳолда ўқувчи ҳамда талаба-ёшлар онгига етказа олиши керак. Давлат ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи ўқувчиларга билимларни тақдим этиш билан бир қаторда уларни юксак маънавиятли, маданиятли, ўз халқининг фидойи, жонкуяр, масъулиятли вакили сифатида тарбиялаш, шу орқали таълим олувчиларда оммавий маданият хуружларига қарши курашчанлик иммунитетини шакллантиришга ҳам қодир бўлиши талаб қилинмоқда. Таълим жараёнида ўқувчи ҳамда талаба-ёшларга жамиятда қарор топган юриш-туриш қоидалари, ҳуқуқий меъёрлар, инсоний муносабат асослари, кўп асрлик маданий бойликлар, ўзбек халқига хос бўлган анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар тақдим этилади. Бу эса уларнинг маънавий, маданий, интеллектуал, эстетик ахлоқий ривожланишини таъминлайди.

Таълим-тарбия жараёнида халқнинг ижтимоий тажрибаси, замонавий билимлар билан бир қаторда кўп асрлар давомида тўпланган маданий-маънавий қадриятлар ҳам тақдим этилади. Бу ўз навбатида таълим мазмунининг таркибий қисмларини ташкил этиб, ўқув дастурлари, дарсликларда тақдим этиладиган мавзулар ва ўқув материалларининг негизини белгилайди. Чунки таълим мазмуни ўзининг изчил таркиби ва мураккаб ташкилий жиҳатларига эга. Маънавий-маданий бойликларнинг ҳақиқий эгаси буюк аجدодларимиз, кўп миллатли Ўзбекистон халқи, тинч фаровон оилалар бўлиб, маданий қадриятлар худди мана шу ижтимоий институтларда шаклланади ва барқарорлашади.

Бугунги кунда таълим-тарбия яхлит педагогик жараён сифатида ўзининг инсонпарварликка асосланган йўналишларига эга. Таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияламасдан туриб, уларга таълим бериш имконсиздир. Аждодларимиз ушбу йўналишда катта тажриба ва маҳоратга эга бўлганлар. Бугунги кунда тарбиявий жараёнларни ташкил этишда худди мана шу бойликлардан самарали фой-



даланиш, ўқувчиларда билимларни ўзлаштиришга қизиқиш, мустақил билим олиш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўзлигини англаш, ўзлаштирган билимларини эзгу мақсадлар йўлида сарфлашга интилиш каби олий-жаноб сифатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим-тарбия жараёнининг яхлитлиги ҳақида фикр юритилар экан, ўқитувчининг ушбу жараёни самарали ташкил этиши нечоқли аҳамиятга эгалигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Аксарият ўқитувчилар ўз вазифаларини фақатгина ўқувчиларга билим беришдан иборат деб ҳисоблайдилар. Бундай ёндашув нотўғри бўлиб, педагогик фаолиятнинг тўлақонли амалга оширилмаслигига сабаб бўлади. Ўқувчи ва талаба-ёшларни маънавий-ақлоқий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш учун педагогларнинг ўзлари ҳам ўзбек халқининг кўп асрлик тарихий тажрибаси, маданий бойликлари, жамиятнинг бугунги кундаги маданий ривожланиш эҳтиёжларини ҳам яхши билишлари талаб этилади. Жумладан, умумий ўрта таълим жараёнида педагоглар ўқувчиларнинг иқтидорларини очишга йўналтирилган педагогик фаолиятни амалга оширсалар, олий таълим муассасаларида муайян касбий лаёқатга эга бўлган юксак маданиятли ёшларнинг талантини тарбиялашга эътибор қаратишлари муҳим амалий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарори. <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. /Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б.37.
4. 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси матни. <http://uza.uz>



УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА БАДИЙ МАТН УСТИДА ИШЛАШ ОРҚАЛИ НУТҚ ЎСТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ш.САРИЕВ,
ТДПУ изланувчиси

Мақолада бошланғич синф ўқиш дарсларида матн устида ишлаш жараёнида ўқувчилар нутқини ўстиришда узлуксизликни таъминлаш масалалари ва тамойиллари ҳақида сўз юритилган. Муаммо юзасидан илмий-назарий ва амалий тавсиялар келтирилган.

Таянч сўз ва иборалар: нутқ, нутқ ўстириш, матн устида ишлаш ва нутқ ўстириш, нутқ ўстириш тамойиллари.

The article discusses the issues and principles of the development of students' speech in the process when working on text in reading lessons in primary school. Scientific, theoretical and practical recommendations on this issue are listed.

Key words: speech, speech development, text work and speech development, principles of speech development.

В статье рассматриваются вопросы и принципы развитие речи учащихся в процессе при работе над текстом на уроках чтения в начальных классах. Перечислены научно-теоретические и практические рекомендации по этой проблеме.

Ключевые слова: речь, развитие речи, работа над текстом и развитие речи, принципы развитие речи.

Ҳар бир давлатнинг таълим соҳасида болаларда нутқ ўстириш тизимнинг асосий таркибий элементи сифатида эътироф этилган. Ўзбекистонда ҳам узлуксиз таълимнинг дастлабки босқичлари – мактабгача ва бошланғич таълим даврида болаларда нутқни ўстириш педагогик жараённинг муҳим йўналиши этиб белгиланган. Глобал ахборотлашув ва инновацион таълим муҳитининг шаклланиши, инсон капиталини ривожлантиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжнинг ортиши ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш нутқ имкониятларидан фойдаланишни ҳам тақозо этмоқда.

Бугунги кунда ҳам нутқни ривожлантириш “бошланғич синфлар олдига қўйилаётган муҳим вазифа саналади, бинобарин, нутқ ҳар қандай ақлий фаолиятнинг асоси ва инсоний мулоқот воситаси” [2] бўлиб, унинг ёрдамида “таълим тизими олдида турган тилшунослик, психологик-педагогик, методик-дидактик характерга эга” [3] ўқитиш ишларининг сифатини яхшилашга эришилади.



Бошланғич синф ўқувчилари нутқини ўстириш таълимнинг кейинги босқичлари муваффақиятини таъминлашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу боис, бошланғич таълимга доир “Давлат таълим стандарти”, “Ўқиш” ва “Она тили” предметлари бўйича яратилган дастурлар ҳамда бир қатор илмий-методик адабиётларда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилган.

“Ўқиш” фани бошланғич синфларда асосий ўқув предмети ҳисобланади. Зеро, мазкур ўқув предмети ёрдамида ўқувчиларнинг саводини чиқаришга эришилади, ҳарфларни таниш ва ўқитиш асосида китобга, китоб ўқишга қизиқиш уйғотилади, атроф-муҳит ҳақидаги билимлари бойитилади. Ўқув предметининг асосий вазифаларидан бири бошланғич синф ўқувчиларида матн устида ишлаш кўникмасини шакллантириш, унинг малакага ўсиб ўтишини таъминлашдир.

“Ўқиш китоби” дарслигида берилган матнлар бошланғич синф ўқувчиларида нутқ кўникмаларини шакллантиришда ўзига хос аҳамият касб этади. Бошланғич синфларда ўқиш дарсларининг асосий мақсади ўқувчиларни матн мазмунини тўғри тушуниш, онгли ва ифодали ўқий олиш, матнда берилган ахборотни идрок қилиш, матнда ифодаланган воқеликка нисбатан муносабат билдиришга тайёрлашдир.

Бошланғич синф ўқиш дарсларида матн устида ишлаш орқали нутқ ўстириш жараёнида узлуксизликни таъминлашнинг қуйидаги устувор тамойиллари катта аҳамиятга эга:



1-расм. Бошланғич синф ўқиш дарсларида матн устида ишлаш орқали нутқ ўстириш жараёнининг устувор тамойиллари



1. Ёш хусусиятларини инобатга олиш тамойили. Мазкур тамойил матн устида ишлаш жараёнини ташкил этиш, ўқув топшириқларини шакллантириш, ўқувчиларга индивидуал топшириқ беришда уларнинг ёш хусусиятларига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқ эканлигини англатади. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиш: уларни руҳан, жисмонан толиқишларининг олдини олади; матн билан ишлашнинг самарали кечишини таъминлайди; вақтни тежайди; ўқув мақсадига эришишга имкон беради.

2. Амалий-фаолиятли ёндашув тамойили. Ушбу тамойил бошланғич синф ўқиш дарсларида матн билан ишлаш жараёни, ўқув топшириқларининг амалий машқ, ўйин методларига асосланишини ифодалайди. Ўқувчилар томонидан машқларни бажаришда ўқиш ва ёзиш (ифодали ўқиш, матн мазмунини айтиб бериш, режа тузиш, луғат билан ишлаш, матн устида мустақил ишлаш)га оид амалий ҳаракатлар тизимли, изчил ташкил этилаётган фаолият негизда амалга оширилади.

3. Ҳиссий-эстетик ёндашув тамойили. Бу тамойил бошланғич синфлар учун мўлжалланган ва “Ўқиш китоби” дарслигига кирилган матнларнинг ўқувчиларда ҳиссий кечинмаларни уйғотиш, уларни эстетик жиҳатдан завқлантиришга хизмат қилишини тавсифлайди. Ўқувчиларда ҳиссий кечинмаларнинг уйғониши, эстетик завқнинг юзага келиши уларда ҳиссиётни, борлиққа ижобий муносабатни, эстетик дидни тарбиялайди.

4. Тизимлилик ва давомийлик тамойили. Мазкур тамойил бошланғич синф ўқиш дарсларида матн устида ишлашдан иборат ўқувбилиш фаолиятининг тизимли ва давомли кечишини англатади. Бошланғич синф ўқиш дарсларида дастлаб кичик ҳажмли, ўқувчиларнинг кундалик фаолиятида учрайдиган, улар учун яхши таниш бўлган мавзулардаги матнлардан фойдаланилса, аста-секин тадрижий (эволюцион) ривожланиш асосида уларни янги билимлар билан таништириш, нутқни янги атамалар билан бойитишга имкон берадиган матнларга мурожаат қилинади.

5. Бадийлик ва ифодавийлик тамойили. Бошланғич синф ўқиш дарсларида матн билан ишлашда ўрганилаётган матнлар бадий қимматга эга бўлиб, ўқувчиларда китобга, китоб ўқишга бўлган қизиқиш ва мотивацияларни ривожлантиради. Ўқитувчининг дарс жараё-



нидаги вазифаси матннинг ифодали ўқитилишини таъминлаш бўлиб, ўқувчиларнинг урғуни тўғри қўйиш, ярим ва тўла тўхталишларга риоя қилиш, нутқ суръати ва оҳангига эътибор бериш малакаларига эга бўлишларига олиб келади.

6. Интерфаоллик ва онглилик тамойили. Ўз моҳиятига кўра интерфаоллик тамойили замонавий дарсларда бўлгани каби бошланғич синф ўқиш дарсларида матн билан ишлашга қаратилган ўқув-билиш фаолиятининг кичик гуруҳларда ташкил этилиши, ўқувчининг индивидуал фаолияти кичик гуруҳ фаолияти доирасида кечишини англаштишга хизмат қилади. Унга кўра ўқув топшириқлари кичик гуруҳларда, ўқувчиларнинг ўзаро, биргаликдаги ҳаракатлари асосида бажарилади. Ўрганилаётган матн юзасида ҳар бир ўқувчининг мустақил равишда ҳеч бўлмаганда биргина ғояни билдиришини таъминлаш уларда секин-аста эркин, ижодий, танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун замин яратади.

Онглилик тамойили ҳар бир ўқувчи томонидан матнга нисбатан ижобий ёндашилишини, унинг мазмунини етарлича, тўғри тушунилишини, берилаётган топшириқ, саволларга фикрлаш, мулоҳаза юритиш асосида ёндашилишини ифодалайди.

7. Кўрсатмалилик тамойили. Психологик нуқтаи назардан бошланғич синф ўқувчилари билимларни образли қабул қилади. Бошланғич синфларда кўрсатмалилик сифатида “Алифбе”, “Ўқиш китоби”, “Она тили” дарсликларида берилган суратлардан, табиий объектлар (табиат манзараси, иншоотлар, буюмлар, жиҳозлар), жонли мавжудотлар (ўсимликлар, қушлар, ҳайвонлар), шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (намунали хулқи, одоби, юриш-туриши, ҳаётий тажрибаси)дан фойдаланиш мумкин.

8. Кўп вариантлилиқ тамойили. Бошланғич синф ўқиш дарсларида матн билан ишлаш орқали ўқувчилар нутқининг ўсганлик даражасини аниқлашда ўқув ва тест топшириқларидан фойдаланиш самарали натижаларни беради. Ўқув ҳамда тест топшириқларининг кўп вариантли бўлиши эса ўқувчиларда мантиқий фикрлаш, таҳлил қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

9. Фанлараро алоқадорлик тамойили. Бошланғич синфларда матн билан ишлашда “Ўқиш” ва “Она тили” дарслари ўртасида



ўзаро алоқадорлик юзага келади. Зеро, ўқувчилар “Она тили” дарсида оғзаки ва ёзма нутқни ифодалаш қоидалари билан таништирилса, “Ўқиш” дарсларида ушбу қоидаларга мувофиқ матнни ифодали ўқиш, уни ёзма ёки оғзаки баён қилиш, луғат устида ишлаш, матн устида мустақил ишлашга оид амалий ҳаракатлар ташкил этилади.

10. Ҳамкорлик тамойили. Мазкур тамойил ҳамкорликнинг ўқитувчи-ўқувчи, ўқитувчи-ўқувчилар гуруҳи, ўқувчи-ўқувчилар гуруҳи ўртасида кечишини англатади. Ўқитувчи матн билан ишлашнинг дастлабки босқичида ҳар бир ўқувчига доимий равишда методик ёрдам кўрсатади. Кейинчалик эса ўқитувчининг методик ёрдами зарур вазиятларда берилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар томонлама баркамол, эркин фикрлайдиган шахсларни тарбиялашда ўқувчилар нутқини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бошланғич синф ўқиш дарсларида нутқ ўстириш ишининг матн асосида амалга оширилиши бу жараёнда самарали ютуқларни қўлга киритиш имконини беради. Бу эса нутқ ўстириш ишини устувор тамойиллар асосида ташкил этишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / 5 жилдди. Учинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов ва бошқ. – Т.: “ЎМЭ” Давлат илмий нашриёти, 2007.

2. Гарипова Д.М. Развитие речи учащихся – одна из основных задач начального образования // https://упок.рф/library/«razvitie_rechi_uchashihsya__odna_iz_osnovnih_zadach_na_160743.html.

3. Рыжкова-Гришина Л.В. Система работы по развитию речи учащихся начальных классов: на материале авторских учебно-методических пособий // <http://www.dslib.net/teoria-vospitania/sistema-raboty-po-razvitiju-rechi-uchawihjsja-nachalnyh-klassov-na-materiale-avtorskih.html>

4. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтики. – Т.: Фан, 2008.



TARIXIY HUJJATLAR BILAN ISHLASH - DARS SAMARADORLIGINING MUHIM OMILI SIFATIDA

F.I.SHIRINOVA, S.I.XAMRAYEVA,
NavDPI o'qituvchilari

Mazkur maqola ta'lim jarayoni samaradorligini oshirish va ta'lim oluvchilarda tarixiy hujjatlar bilan ishlash dars samaradorligining muhim omili sifatida ekanligi, tarbiyaning uzluksiz ta'lim tizimidagi o'rni va ahamiyati, ta'lim va tarbiyaning ustivorligi, o'quvchi bilish qobiliyatini o'stirishning muhim omillarini ko'rsatib berishga qaratilgan.

Tayanch iboralar: tarixiy hujjat, hujjat turi, zamonaviy dars, tarix ta'limi, ta'lim – tarbiya uzluksizligi, milliy g'urur, o'qish surati.

Данная статья раскрывает повышение качества образовательного процесса и место исторического документа в проявление практических новиков, возникновение проблемной ситуации в системе непрерывного образования, верховенство образования и воспитания. А так же освещает основные аспекты при раскрытии способ учащихся.

Ключевые слова: исторический документ, тип документа, непрерывная образования, верховенство образования и воспитания.

This article aims at improving the effectiveness of the educational process and working with students in historical documentation, as an important factor in the effectiveness of lessons, and the role and importance of education in the system of continuous learning. to illustrate the important factors of stagnation.

Key words: historical document, document type, modern lesson, history education, continuity of education, national pride, reading image.

Zamonaviy tarix fani o'qituvchisining yana bir mas'uliyatli vazifasi darsni sifatli o'tkazish bilan, uning samarali tomonini tez ko'rish hisoblanadi. Umumiy o'rta ta'lim maktabi tarix darslarini tashkil etishning yuzdan ortiq an'anaviy va no'anaviy yo'llari mavjud. Quyida bunday darslarni sirdan tashkil etib berishni rejalashtirdik. Shuni aytish joizki, tarixiy hujjatlarni mustaqil o'rganish mumkin, lekin dars jarayonida ularni o'rganish bilan mavzuning ayrim jihatlari ochib berish, uni mustahkamlash mumkin bo'lar ekan.

O'qituvchi davom etayotgan islohotlarga yuzlanib, unga to'la javob bera oladigan darsni ijodiy shunday tashkil etsa bo'ladi, bu dars tarixiy voqelikni o'quvchi o'rganish paytida biror bir ikkilanishga sabab bo'ladigan savolga o'rin qolmasin. Xo'sh bu usulni nima deb atasa bo'ladi. Keling biz bu usulni tarixni shaffof o'rganishga xizmat qilgani uchun tarixiy hujjatlarga asoslangan dars



deymiz. Biz tarixni manbalar asosida shrganishning “laboratoriya” usuliga to‘xtab o‘tmoqchimiz.[3] Bu shunday usul bo‘lib, maktab darsligida mavzuga doir to‘liq berilmagan materialni, yoki bo‘lmasa, shu mavzuni kengroq yoritib berishga xizmat qiladigan biror matnni o‘qituvchi keltirib o‘tadi, tinglovchilar bu fikrlarning mazmunini tushunib uni “tekshiradilar”, ya’ni isbot talab bo‘lmagan fikrlarni o‘zlari uchun belgilab olib munosabat bildiradilar. Bunday darslar tizimli qilib kitobda berilgan mavzularni o‘zlashtirish samaradorligini tekshirish maqsadida tashkil etiladi. Tekshirishning yaxshi usuli har bitta mavzuni mustahkamlab borishga mo‘ljallangan “ish daftarlari” da aks ettirilishi mumkin. Bayon etilayotgan fikrning ishonchli va emotsional ta’sirchan bo‘lishini ta’minlaydi. Tarixiy hujjat o‘z nomiga ko‘ra hujjat bo‘lgani uchun u o‘tmishning yorqin obrazlarini, tarixiy voqelikning yaxlit manzarasini gavdalantrishga, o‘rganilayotgan tarixiy davr xususiyatlarini anglab olishga yordam beradi. Tarixiy hujjat yangi mavzuni o‘qituvchi tomonidan bayon etilishini osonlashtiradi, mavzuni manbalar bilan chuqurlashtiradi, aytiladigan fikrlarga aniqlik kiritishga xizmat qiladi.[1]

Tarix darslarini tashkil etayotgan fan o‘qituvchisi boshlang‘ich sinflarda ham tarixiy hujjatlar bilan ishlashni o‘gatishi mumkin. Masalan “Konstitutsiya olamiga sayohat” darsida bola bevosita o‘qituvchi ko‘magida konstitutsiyalar tarixi aks etgan hujjatga murojaat qiladi. Uning mohiyatini anglagach, o‘z Konstitutsiyasiga solishtirib taxlil qiladi. Bu vaqt o‘quvchi uchun shunchalik foydali va natijasi tez namoyon bo‘ladigan jarayonki, o‘quvchi hujjat ustida ishlab, dalil va hodisalarni mustaqil ravishda aniqlash, uni puxta o‘zlashtirish va xulosa chiqarishga ulguradi. Hujjat bir vaqtning o‘zida tarixiy jarayonni mustaqillik nuqtai nazaridan tushunib, bolaning fikrlash faoliyatini kengaytiradi.

Bunday usulni uzluksiz ta’lim tizimining o‘rta bo‘g‘ini yuqori sinf tarix darslarida qo‘llash yanada ko‘proq ijobiy natija berishi tajribadan ma’lum. Tarix darsi shunday rejalashtirilishi kerakki, bir soatlik yangi mavzuga bag‘ishlangan dars davomida o‘quvchining bilish faoliyati kengayib, fikrlash doirasi mustahkamlanishi kerak. O‘quvchi aynan sinf dars jarayonida mustaqil yurt farzandi, yoki fuqarosi uchun zarur bo‘lgan ijtimoiy siyosiy xarakterdagi hujjatlarni o‘qib, tushunib olish malakasiga ega bo‘ladi.[2]

Tarix darslarida tarixiy hujjatlar bilan ishlashning yana bir xarakterli muhim jihati shuki, bu o‘quvchini tarixiy tadqiqot metodi elementlari bilan tanishtiradi. Ularni tarixiy hujjatlarga tanqidiy qarashga o‘rgatadi. Bunday tajriba asosan akademik litsey, kasb hunar kollejlari o‘quvchilari uchun tayyorlanadigan tarix darslarida bo‘lishi kuzatiladi. Chunki ijtimoiy gumanitar yo‘nalishga asoslangan



bunday ilm dargohi o'quvchilari o'ta qiziquvchan va yangiliklarni izlab topishga harakat qiluvchi yoshlar bo'ladi. Maktabda ta'limning yangi mazmuni amalga oshishi munosabati bilan tarix o'qitishda tarixiy hujjatlarning roli ancha o'sdi. Davlat Ta'lim Standartlari asosida yozilgan tarix fani darsliklari mazmunining asosiy qismini tarixiy hujjatlar tashkil eta boshladi. Bugungi ta'lim sohasidagi islohotlar tarix fanini shaffofligiga qaratilgani buning isbotidir. Darsdan tashqari mashg'ulotlarda ham tarixiy hujjatlardan foydalanish, ular bilan ishlash zarur bo'lib qoldi. Shuning uchun bu ish maktab tajribasida ommaviy tus oldi.

Darsliklardagi tarixiy hujjatlar har bir sinfdagi o'quvchilarning yoshi, bilim saviyasi, o'sha sinfdagi o'rganiladigan tarix kursining xususiyatlariga qarab kiritilgan. Shu sababdan darsliklarni tarixiy hujjatlar bilan o'zlarining xarakteri, ko'lami va mazmunijihatidan bir biridan farq qiladi. O'rta maktab 6 sinf o'quvchisining yoshi, bilimi va ularning tarixiy hujjatlar bilan deyarli birinchi marta ishlayotganlarini inobatga olib darslikka asosan hikoya va tavsiflab berish xarakteridagi hujjatlar kiritilgan. Bunday sinflarda o'rganiladigan tarixiy hujjatlarni asosan 3 turga bo'lish mumkin:[2]

1. Moddiy madaniyat buyumlariga – bizgacha saqlanib kelayotgan yoki ilmiy asosda qayta tiklangan qadimgi mehnat qurollari, qurol yarog'lar, zeb ziynat buyumlari, uy ro'zg'or anjomlari, turar joylar qo'rg'onlar, maqbaralar, qadimgi shahar xarobalari va boshqalarga qarab tarixni o'rganish mumkin. Qadimgi mehnat qurollari, odamlarning mashg'ulotlarini, hashamatli imoratlar va pastqam uylarga qarab sinfiy bo'linish mavjudligi xususida xulosa chiqariladi, shuningdek, diniy marosimlarga qarab, odamlarning diniy e'tiqodlarini bilib olish mumkin bo'ladi.[4]

2. Tasviriy san'at asarlari yordamida moddiy voqelikni, odamlar va tevarak atrofdagi voqelikni, afsonaviy qahramonlar haqidagi miflar, devlar, xudolar haqidagi afsonalar ijod qilingan joylar, joy nomlari to'g'risidagi hujjatlar asosida darslar tashkil etish;

3. Yozma manbalar, qonunlar, buyruqlar, xo'jalik ishlariga doir yozuvlar, shartnomalar, paktlar, xizmat vazifasiga oid materiallar, diplomatik yozishmalar, sud hukmlari, shahar va mamlakatlar tasvirlab yozilgan asarlar kiradi.

Albatta bunday tarixiy hujjatlardan darsda foydalanish darsni mazmunli, qiziqarli va ta'sirchan qiladi. Lekin tarix darslarida bunday hujjatlardan foydalanish uchun avval manbalarni o'zini klassifikatsiya qilish zarurdir. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida tarix o'qitishning har bir yangi bosqichlarida darslikda berilgan hujjatli materiallarning xarakteri o'zgarib, ko'lami kengayib, murakkablashib boradi. Akademik litsey, kasb hunar kolleji tarix darslarida yuridik xarakterdagi hujjatlar ko'paytirib berilgan. Maktabda tarix o'qitish tajribasida tarixiy hujjatlar bilan ishlashning quyidagi ikki usuli keltirilgan;



1. Tarixiy hujjatlardan o'qituvchining bayonida foydalanish usuli;

2. O'quvchilarning individual tarzda matn bilan ishlash usuli.

Tarixiy hujjatlar bilan ishlashning quyidagi usullari bor:

1. Tarix fani o'qituvchisi hujjatni o'zi o'qib, tahlil qilib berishi mumkin;

2. Tarixiy hujjatni o'quvchilar o'qituvchining bevosita ishtirokida dars jarayonida tahlil qilib borishlari mumkin;

3. O'qituvchi o'quvchilarga tarixiy hujjatni uyda tahlil qilib kelishlarini vazifa qilib berishi mumkin. Albatta tahlil qilish qiyin bo'lgan hujjatlarni o'qituvchi o'zi tahlil qilib, izoh beradi.

Aytish joizki, Davlat Ta'lim Standartlari asosida tuzilgan tarix darsliklarida o'quvchining bilim va malakasini, yoshini hisobga olgan holda hujjatlar keltirilgan. Ya'ni yo'qovchi maktabda tarix o'qishni boshlagan paytidanoq hujjatlar ustida o'qituvchi yordamida, ba'zan o'zi mustaqil ishlashni o'rganib boradi. Yuqori sinflarda tarix darslarini yanada mazmunli, samarali tashkil etishning yana bir yo'li bu dars jarayonida o'rganilgan hujjat asosida referat, yoki bayon, yo bo'lmasa ijodiy ish sifatida esse yozish topshirilishi mumkin. Quyi sinflarda buni og'zaki axborot sifatida amalga oshirish mumkin.

Uzluksiz ta'limning yuqori bo'g'inlarida hujjatlar bilan ishlash usuli albatta muammo yechimini o'rta tashlagan tarzida olib borilishi kerak. Chunki bu yoshdagi o'quvchi – talabalar ilmiy ma'lumotni bilish, o'zlashtirish ularda irodani kuchaytirib, sezgi organlarini follashtiradi. Olingan ma'lumotni realligiga ishonch ularni hujjatli ma'lumotni boshqalarga yetkazishga undaydi. [3]

Xulosa qilib aytish mumkinki, o'quvchini bilish, o'rganish, o'zlashtirish va amalga tatbiq etish jarayonida o'qituvchi bayonining barcha usullari ma'lum darajada ishtirok etadi. Ammo ayni dars jarayonida tarixiy hujjatlar bilan ishlash usuli o'quvchilarga berilayotgan bilimlarning tushunarli, g'oyaviy – siyosiy jihatdan pishiq, ilmiy ko'rgazmali, ishonchli va emotsional bo'lishini ta'minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.[1]

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ibrohimov X. Rajabov R. Fayziyeva F. O'rta maktabda tarix ta'limi. T. «Fan va texnologiya», 2016 y. B.71

2. Babanskiy Yu.K. Tarix darslarida hozirgi zamon umumiy ta'lim maktabida o'qitish metodlari. T. «O'qituvchi»1990 y. 230 bet.

3. Safarov A. Bahromov Q. Noan'anaviy darslar va ta'limning interfaol usullari. Buxoro. 2014 yil. . B.18.

4. Ismoilov S. Tariximiz poydevori mustahkam. Toshkent.1999 yil. № 4. B. 83.



UZLUKSIZ TA'LIM TIZIMIDA SINFDAN TASHQARI ISHLARNING TARBIYAVIY AHAMIYATI

F. POLVONOVA,
NavDPI o'qituvchisi

Mazkur maqola ta'lim jarayoni samaradorligini oshirish, uzluksiz ta'lim tizimida sinfdan tashqari ishlarning tarbiyaviy ahamiyati, ta'lim va tarbiyaning uzluksizligi, ma'naviy - ma'rifiy tadbirlar, sayr va sayohatlar uyushtirish o'quvchi bilish qobiliyatini o'stirishning muhim omillarini ko'rsatib berishga qaratilgan.

Tayanch iboralar: sinfdan tashqari ishlar, tarbiya, ta'lim-tarbiya uzluksizligi, milliy g'urur, o'qish surati, badiiy kecha, sayohat.

Данная статья раскрывает повышение качества образовательного процесса и место внеклассного метода в проявление практических новиков, возникновение проблемной ситуации в системе непрерывного образования, верховенство образования и воспитания. А так же освещает основные аспекты при раскрытии способ учащихся.

Ключевые выражения: внеклассный метод, непрерывная образования, верховенство образования и воспитания.

This article will highlight the important factors that enhance student learning, increasing the effectiveness of the educational process, the educational value of extracurricular activities in education, the continuity of education and training, the organization of spiritual education activities and travel.

Key words: extracurricular activities, upbringing, education continuity, national pride, school photography, art night, travel.

Sinfdan tashqari ishlarni tashkil etishni uzluksiz ta'limning eng birinchi bo'g'ini maktabgacha ta'lim tizimida tashkil etish yo'llarini ko'rsatib berishdan boshlasak. Aytish joizki, sinfdan tashqari ishlarni tashkil etishda bola yoki o'quvchilarning yoshi, bilim va malakalari, ularning individual moyilligiga va qiziqishlariga qarab tarix ta'limida sinfdan tashqari ishlarning mazmuni, forma va metodlari turlicha bo'ladi.

Demak, yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek, maktabgacha ta'lim tizimida sinfdan tashqari ishlarning quyidagi asosiy formalari mavjud:

1. Rasmlar ko'rgazmasi tashkil etilgan madaniyat saroylari, bog'lar va maktab muzeylariga sayohat uyushtirish;
2. Tarixiy obidalarga sayr sayohat uyushtirish;
3. Vatan himoyachilari, mehnat va urush faxriylari bilan bo'ladigan



tarixiy uchrashuvlarga bolalarni olib borib ishtirok etish;

4. Kitoblar ko'rgazmasida ishtirok etish;

5. Muzey ekspozitsiyalariga borishni tashkil etish.

Fikrimizni tasdig'ini aniqlash uchun buni izohlab beramiz. Albatta, maktabgacha ta'lim maskanlarida tarbiyalanuvchilarning o'zlari ishtirokida ham, yoki ayrim mavzularga bag'ishlangan doimiy rasmlar, maketlar, gullar, o'z qo'llari bilan bajarilgan madaniy ishlar ko'rgazmalari doimiy ravshda faoliyat ko'rsatadi. Ammo bolalarni guruh bilan birgalikda yaqin bo'lgan madaniyat saroylariga, bog' va istirohat bog'iga, maktab muzeyiga olib borish bolalarni faqat qiziqishlarini orttirib qolmay, ularni mustaqil fikrlashga, kasb yoki hunar tanlashga undaydi. Bolalarni bir xillikdan chetlashga o'rgatadi. Bu faqatgina tarbiyachi, yo bo'lmasa mashg'ulot olib boruvchi muallimaga qulay va foydaligina emas, balki atrofdagilar, qolaversa ota onalar uchun ham foydali.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida sinfdan tashqari ishlarning quyidagi turlari mavjud: [1]

1. Tarix to'garagi;

2. "Tarixiy o'lkashunoslik" to'garagi yoki jamiyati;

3. Sinf jamoasi bilan teatr yoki kinolarga borish;

4. Tarixiy obidalar yoki muqaddas qadamjolarga sayohat;

5. Uzoq viloyatlarga tarixiy sayohat;

6. Arxeologiya ekspeditsiyalar;

7. Tarixiy yoki o'lkashunoslik muzeylari;

8. Tarixiy shaxslar, tarixiy voqealarning shohidlari, yozuvchilar va ijtimoiy arboblardan uchrashuvlar;

9. Maktablardagi mavjud to'garaklarning hisobotlarida ishtirok etish.

10. Badiiy ko'rgazmalar, kitoblar ko'rgazmasida ishtirok etish;

11. Badiiy kechalar, tarixiy, o'lkashunoslik o'yinlari;

12. Devoriy gazeta, qo'lyozma jurnallar tanlovlar;

13. Sinfdan tashqari o'qishlar;

Ko'rinib turibdiki, sinfdan tashqari ishlarning formalari turli tuman, mazmuni boy, hatto o'rta maktab fanlari, ayniqsa tarix fanlari mavzularidan chetga chiqish ham mumkin. Shuni aytish kerakki, sinfdan tashqari ishlarning mazmuni qanchalik boy va turli tuman mazmunda olib borilmasin, ular bir maqsadga, ta'lim tarbiyaning uzviyligi, uzluksizligiga xizmat qiladi. [2]

Maktabda tashkil etilgan tarix to'garagi, yoki tarixchilar jamiyati, sinfdan tashqari uyushtiriladigan barcha ommaviy ishlarni uyushtirish markazi va uning ixcham formasidir. Sinfdan tashqari ishlardan kuzatilgan



mas'uliyatli vazifalarning muvaffaqiyatli bajarilishi tarix fani o'qituvchisini o'quvchilarni shu markazga jips jamlashga va uning ishlariga to'g'ri boshchilik qila bilishiga bog'liqdir.

Yuqorida keltirib o'tilgan sinfdan tashqari ishlarning hammasi ham ta'lim samaradorligini oshirish uchun muhim sanaladi. Bu ishlar ichida tarix darslarini chuqur bilish, idrok qilish, tarixiy voqelikni anglash, tahlil etish, xulosa chiqarish, shuningdek nazariy bilimlarni o'zlashtirish uchun zarur sanalgani bu, sinfdan tashqari o'qish hisoblanadi. Fikrimizni izohlaydigan bo'lsak, tarix dars jarayonlarida olingan bilimlarni mustahkamlash, ularni yangiliklar bilan boyitish uchun albatta tarix fani o'qituvchisi tomonidan tavsiya etilgan tarixiy, badiiy, hatto esselarni o'qish, ularni tarix dars jarayonida, hatto hayotda qo'llash mumkin bo'ladi. O'quvchilarga kitob o'qishni targ'ib qilish, uni ahamiyatini tushuntirish, kitobga qiziqishdan boshlanadi. Sinfdan tashqari o'qishni tashkil etishda o'quvchilarning yoshi, bilim hamda malakalari e'tiborga olinishi lozim. Tarix muallimi o'quvchilarni avvalo darslikda ko'rsatilgan tarixiy, badiiy, ilmiy asarlar bilan tanishtiradi. Ulardan foydalanish yo'llarini belgilab beradi. Yangi chiqqan kitoblar huqida ularni xabardor qilib turadi.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarda mavjud bo'lgan to'garaklarning hisobotlarida ishtirok etish ham sinfdan tashqari ishlar sirasiga kiradi. Bu ham zamonaviy fan o'qituvchisi mas'udiyatini oshiradi, o'quvchilarda mustaqil izlanuvchanlik, o'z fikrini erkin bayon eta olish, fikrlari bilan o'rtoqlashish xislatlarini rivojlantiradi.

Umumta'lim maktablari tarix darslarida sinfdan tashqari ishlarning ahamiyati shunchalik muhim va ahamiyatliki, bu maktab ta'lim tizimi davomiyligini ta'minlashga ham xizmat qiladi. Yuqorida aytib o'tilganidek, o'quvchining yoshi inobatga olinib bunday sinfdan tashqari ishlar tashkil etilishi mumkin. Uzluksiz ta'lim tizimining navbatdagi bo'g'inida ham bunday darslarning ta'lim sifatini, dars samaradorligini oshirishdagi o'rni kattadir.

Oliy ta'lim tizimida ham auditoriyadan tashqari o'tkaziladigan darslar mavjud. Bu endi o'qituvchining darsiga mutlaqo xalaqit qilmasligi, kerak bo'lsa dars jarayoni bilan bog'liq bo'lishi, uni to'ldirishi, mustahkamlashi kerak. Biz yuqorida keltirib o'tgan sinfdan tashqari ishlarning barchasi oliy maktablarda qo'llanilishi mumkin. Lekin tarix fanini mukammal o'rganish, uni hayotiy voqealar bilan bog'lab tashkil etish, jarayonlarni kuzatishda bevosita ishtirok etish mumkin bo'lgan shunday dars borki, bu tarixiy ekspeditsiyalarda bevosita ishtirok etish. Bunday ekspeditsiyalar tarixiy joylarda, arxeologik qazish ishlari olib borilayotgan maskanlarda bo'lishi mumkin.[5] Bu tadbir asosan talabaning



darsdan bo'sh vaqtida, yoki bo'lmasa ta'til paytida amalga oshirilishi mumkin. Muhimi bu jarayon talaba yoshlarning vaqtini unumli bo'lishi bilan birga, ularni bilim va ko'nikmalarini oshirishga yordam beradi. Shuningdek, bunday tadbirlarni ekskursiya tarzida ham tashkil etish mumkin. Bu hammasi tarix fani o'qituvchisining rejasiga bog'liq. Bunday kechalar o'quvchilar faolligini oshiradi, ularni mehnatga o'rgatadi, javobgarlik hissi uyg'onadi. Masalan maktabning 6 sinflarida "Qadimgi Yunoniston", "Qadimgi Rim" mavzularida, 7 –sinfda "Qomusim faxrim", "Sohibqiron izdoshlarimiz" mavzularida tayyorlanadigan kechalar ahamiyatlidir.

Uzluksiz ta'lim tizimining barcha bo'g'inlari uchun ma'qul bo'lgan sinfdan tashqari dars turi, ya'ni "Tarixiy kecha" – dars turidir. Bu darsning ahamiyati shundaki, tarixiy kecha albatta tarixning ma'lum bir sanasiga bag'ishlanadi. Bunday tarixiy kechalar turli mavzuda bo'lganligi uchun, tarbiyachi yoki tarix fani o'qituvchisi bolalarni tayyorlash jarayonida yosh bosqichlarga e'tibor beradi. Bunda o'qituvchi zimmasiga yana shunday katta mas'uliyat yuklatiladi:

1. Tadbirni o'tkazishga mo'ljallangan xonani tayyorlash, sinf yoki guruh a'zolarini guruhlarda ishlashlari, o'rin almashinishlari uchun qulaylik yaratish. Ijodiy ishlar uchun oldindan kerakli materiallarni tayyorlash;

2. Vaqt reglamentiga e'tiborli bo'lish, o'quvchilar har bir qatnashchining fikrini sabr bilan tinglashi, boshqa ishtirokchilarga xalaqit bermasligi;

3. Guruhlarni o'quvchilar ixtiyoriga ko'ra tuzish, yoki tasodifiy tanlov prinsipiga amal qilish;

4. Kechaga ishtirokchi guruh a'zolarini barchasi ishtirok etishini ta'minlash;

5. Tarbiyalanuvchi yoki o'quvchilarning psixologik tayyorgarligiga e'tibor berish;

6. Tarixiy kecha o'qituvchi rahbarligida olib borilishini ta'minlash, vaqt va dars bosqichlarini nazorat qilish.

Sinfdan tashqari o'tkaziladigan dars turlaridan eng ommaviysi "Tarixiy kecha" darsi hisoblanadi. Chunki bunday sinfdan tashqari darslarni uzluksiz ta'lim tizimining hamma bo'g'inida ham tashkil etish mumkin. Umumiy o'rta ta'lim maktabi tarix darslarida tarixiy sanaga bag'ishlangan kecha tashkil etish odatiy tus olgan. Ammo bunday tarixiy kechani mavzular asosida tashkil etish qiyin bo'lgani uchun ko'p qo'llanilmaydi.

Bunday darslarni noan'anaviy tarzda oliy ta'lim tizimida tashkil etish urfga aylanib bo'lgan. Ammo yanada qiziqarli chiqishi uchun , auditoriyadan



tashqari, masalan biror bir maktab, litsey, kollej yoki muzey binosida tashkil etish rejalashtirilsa maqsadga juda muvofiq bo'ladi. Bu quyidagi ijobiy natijalarni beradi:

a). o'rganilishi kuzatilayotgan yangi bilimlar ommalashtiriladi, o'quvchi va o'qituvchilar hamkorligi ta'minlanadi,

b). dars muammoli tarzda olib borilgani bois mavzu atroflicha keng yoritiladi,

v). savol javoblar o'rganilayotgan mavzuni mustahkamlaydi, o'quvchi va talabalar faolligi ortadi,

g). tarix faniga qiziquvchi o'quvchilarni kasbga yo'naltirishga yordam beradi.

j). o'quvchi va talabalarni jamoa bo'lib ishlashga o'rgatadi, ular o'zlarini va bir birlarini baholashni bilib oladilar.

Fikrimizga xulosa yasab aytish joizki, uzluksiz ta'lim tizimida ta'lim va tarbiya samaradorligi va uzviyligini ta'minlashda sinfdan tashqari darslarning o'ziga xos o'rni bor. Buni tarix fanlarida qo'llash alohida ahamiyatga ega. Olingan nazariy bilimlarning amaldagi aksi sifatida zamonaviy tarix ta'limining muammolaridan bittasi sinfdan tashqari darslar tashkil etish ekan, bunda o'qituvchining darsdan tashqari o'quvchilar bilan olib boradigan, oldindan rejalashtirilgan ishlari nazarda tutiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Vagin A.M. Metodika o'becheniya istorii v shkole. Str.310.
2. Ibrohimov X. Rajabov R. Fayziyeva F. O'rta maktabda tarix ta'limi. "Fan va texnologiya", Toshkent 2016. –B.25.
3. Botirova N. Tarix darslarida me'moriy obidalarga oid materiallardan foydalanish. Xalq ta'limi. 2012 yil. № 5, 54 bet.



ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ШАКЛЛАРИ, САМАРАЛИ МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ

М.Қ.РАХМАНОВА,

Чирчиқ ДПИ ўқитувчиси, п.ф.ф.д., (PhD)

Мақолада ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг долзарблиги ва унинг жамият тараккиётидаги аҳамияти илмий жиҳатдан асосланган. Ўқувчи-ёшларда ижтимоий фаолликни ривожлантириш омиллари, самарали йўллари, илғор усул ва воситалари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, унда ўқувчи-ёшларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришда олий таълим муассасаларининг фаолиятининг методологик ёндашув масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: олий таълим, ижодий ёндашув, ўқувчи-ёшларда ўқув тарбия фаолияти, ўқитувчи, интеллектуал, ижтимоий фаоллик, инсонпарварлик, ахборот коммуникация технологиялари, амалиёт.

В статье, с научной точки зрения, обоснована актуальность проявления общественной активности студентов в годы независимости, её значение в развитии общества. Речь идёт об эффективных путях, передовых методах и средствах, факторах формирования и развития социальной активности студентов. Также освещены вопросы методологического подхода к деятельности высших образовательных учреждений в развитии данной проблемы.

Ключевые слова: высшее образование, творческий подход, учебно-воспитательная деятельность студентов, преподаватель, интеллектуальный, социальная активность, информационно-коммуникационные технологии.

In article with scientific standpoint is motivated urgency of shaping student's social activity at years of independence and its importance of development in society. The problem is about the efficient ways of leading methods and facilities, factors in formation and development of students' social activities.

Key words higher education, creative approach, scholastic educational activity of student, teacher, intellectual, social activity, humanity, information-communication technology

Республикаимизда олий таълим мазмуни ва кадрлар тайёрлаш жараёнларини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, ўқувчи-ёшларда ижтимоий компетенцияларни ривожлантиришга маънавий-маърифий ишларнинг муҳим йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга ўқувчи-ёшларнинг бўлажак касбий фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятини тўлиқ англаганишига эришиш, ижтимоий талаб ва мажбуриятларга масъулиятни муносабатни қарор



топтиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” каби муҳим вазифалар белгилаб берилган[1]. Бу эса ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг педагогик модели ва аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этишнинг интерфаол технологияларини такомиллаштиришни талаб этади.

Ижтимоий фаоллик – инсонларнинг, алоҳида шахсларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг, умуман, жамиятнинг мураккаб, тизимли, интеграл фазилати. Уларнинг атроф-муҳит билан ўзаро онгли муносабатда бўлиш қобилияти бу муҳитни мақсадга мувофиқ ўрганиш, шу асосда ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи намоён қилиш, жамиятни изчил янгилаш, ривожлантириш мисолида ифодаланади. Тарихий “белгиланган” шароитларда, аниқ вазиятларда амалга оширилар экан, у нафақат бу объектив ҳолатлар, балки одамларнинг маънавий ривожланиш даражаси, ғоявий-ахлоқий, интеллектуал ва иродавий сифатлари, бу шароитларни англаш ва ўзгартиришга қобилияти билан белгиланади.

ход. Способность человека к организации своего времени заключается в его разумном умении последовательно распределить и осуществлять все важные жизненные дела. В противном случае стихийные жизненные стратегии, а также пассивная жизненная позиция человека ведут к потерям и утратам. Это происходит как от неспособности индивида к «раскрытию» своего потенциала, так и от неверного его применения. К весьма плачевным результатам приводят и неразрешенные жизненные противоречия.

В стратегии жизни учитывается также общая линия социального поведения, а отдельные события подстраиваются к ней. Тип социального мышления также влияет на общую, устойчивую форму восприятия и интерпретации социальной реальности. Все частные акты мышления и поведения так или иначе укладываются в общий личностный тип. Таким образом, мы видим, что стратегия жизни строится в соответствии с личностным типом, структурной активностью, способом организации времени жизни, смысл о жизненной ориентации и т.п. Исходя из своей индивидуальности личность программирует свою жизнь. Следовательно, на формирование стратегии жизни решающее воздействие оказывают личностные особенности.

Литература:

1. Бестужев-Лада И.В. Молодость и зрелость: Размышления о некоторых социальных проблемах молодежи. М., 2004. – 289 с.
2. Головикова И.Ю. Формирование инициативности студентов младших курсов в учебно-познавательной деятельности: Дис. ... канд. пед. наук. – Волгоград, 2005. – 177с
3. Чередниченко Г.А., Шубкин В.Н. Молодежь вступает в жизнь. М.: 2005. – 314 с.
4. Руткевич М.Н., Рубина Л.Я. Общественные потребности, система образования, молодежь. – М., 2011. – 268 с.
5. Новик И.Б. Системность оптимального выбора // Общественные науки и современность, 2005. - №1. – С.118-126.



UZLUKSIZ TA'LIM JARAYONIDA – CHET TILLARNI O'QITISHNING O'ZIGA XOS SAMARALI USULLARI

A.G'.TURG'UNBOEVA,
Nam DU tayanch doktoranti,
S.J.JO'RAEVA,
NamDU talabasi

Maqolada uzluksiz ta'lim tizimida chet tillarni o'qitishning samaradorlik omillari, ta'limning barcha bosqichida ko'rsatib o'tilgan

Tayanch so'zlar: *uzluksiz ta'lim tizimi, xorijiy tillar, bosqichma-bosqich o'zlashtirish, ta'limiy o'yinlar, texnologiya, grammatika, fonetika, metod, intellekt.*

В статье показаны эффективные факторы обучения иностранным языкам в системе непрерывного образования, на всех этапах обучения.

Ключевые слова: *Непрерывная система обучения, иностранные языки, поэтапное освоение, обучающие игры, технология, грамматика, фонетика, метод, интеллект.*

The article shows the effective factors of teaching foreign languages in the system of continuous education, at all stages of education.

Key words: *Continuous system of learning, foreign languages, step-by-step learning, educational games, technology, grammar, phonetics, method, intellect.*

Ma'lumki, bugungi kunda yurtimizda yoshlarning chet tillarini mukammal o'rganishi uchun etarli shart-sharoitlar yaratilmoqda, yosh avlod vakillariga chet tilini o'rgatishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Shu bilan birga, uzluksiz ta'lim tizimining barcha bosqichlarida til o'rgatishning samarali mexanizmlarini takomillashtirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Xususan ta'lim muassasalarida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanib, o'qitishning ilg'or uslublarini qo'llagan holda, shu tillarda erkin so'zlasha oladigan mutaxassislarni tayyorlash uchun keng imkoniyatlar yaratilmoqda.

Bizga ma'lumki til o'rganish ham yosh davrlariga bog'liq.

Maktabgacha ta'lim tizimida chet tilini o'qitish – bu shunday o'quv jarayoniki unda bolaning tug'ilishidan boshlab maktabga borgunga qadar intuitiv-amaliy yondashuv asosida amalga oshiriladi. Bog'cha yoshi chet tilini o'rganishni boshlash uchun eng qulay yosh hisoblanib, bu yoshdagi bolalar til o'rganishda juda ziyrakdirlar, ularda o'zining til tajribasini ya'ni, til "sirlarini" anglashga qiziqish uyg'onadi. Bolalar kichik hajmdagi til materialini oson va mustaxkam eslab qoladilar va uni yaxshi takrorlaydilar.



Psixologlarning fikricha, bolalar kattalarga nisbatan tilni tez va oson o'zlashtiradilar. Bolalarda til o'rganishga bo'lgan tabiiy moyillik, ularda taqlid qilish xususiyati kuchli ekanligi, kattalarga qaraganda bolalar vaqtining ko'pligi buning asosiy sabablaridandir. Shuni e'tiborga olish kerakki, 6–7 yoshli bolalar ma'lumotlar ma'nosini tushunib emas, uni mexanik tarzda yodlaydi. Shuning uchun bolalarga ingliz tilini o'rgatishni grammatik tushuncha berishdan boshlamaslik zarur. Aks holda chet tilini o'rgatishning dastlabki qadamidanoq bolani zo'riqtirib qo'yish va qiziqishini so'ndirib qo'yish mumkin. Bog'cha yoshidagi bolalar chet tilini muloqot vositasi sifatida egallaganlarida bolalarga chet tilini o'qitish kommunikativ harakterga ega bo'lishi lozim, ya'ni alohida so'zlarni va iboralarni o'rganish emas, balki kommunikativ ehtiyojlaridan kelib chiqib o'zlariga ma'lum andozaga asosan iboralarni tuza olishlari kerak. Shunday ekan, kichik yoshdagi bolalarga xorijiy tilni o'rgatish ancha mushkul va mas'uliyatli. Bolalarga ingliz tilini mazmunli va qiziqarli o'rgatish uchun quyidagi usullardan foydalanish mumkin:

- qo'shiq va she'rlar orqali tushuntirish yoki esda qolishi qiyin bo'lgan, ma'noga ega bo'lmagan harf yoki birikmalarni kuyga solib o'rgatish.

Bunga misol qilib, bolalarning ingliz tili alifbosini qo'shiq qilib o'rganishlari shunchaki yodlashdan ko'ra samarali ekanligini ko'rsatish mumkin.

- **aqliy va jismoniy harakatlar bilan bog'liq bo'lgan o'yinlar;**

- **multifilmlar orqali ;**

- **rol ijro etish (role play)** bu paytda ayni o'sha obrazlarni rol orqali ijro etishi yoki bolalarga ijro ettirishi lozim. Misol uchun: bir o'quvchi xo'rozning qichqirishini ,mushukning miyovlashini ko'rsatib bersa, boshqa bir o'quvchi bu tovushlar qaysi hayvonga tegishli ekanligini bilib, uning inglizcha nomini aytishi zarur;

- **mavzuga oid muhit;** O'qituvchi mavzusiga qarab o'sha muhitni yaratib bera olsa, bolalar tilni yaxshi o'rganishadi. Bu ham o'quvchilarning so'z boyligini, til imkoniyatlarini kuchaytiradi, dunyoqarashini o'stiradi.

- **topishmoqlar;**

- **amaliy mashg'ulotlar** (mevalar va boshqa oziq-ovqatlarni tatib ko'rish, gullarni hidlab ko'rish);

- **imo-ishoralar,** yuz ifodalari orqali; O'qituvchi bolaga biror gapni gapirganda yoki buyruq berganda, masalan, bu yoqqa kel (come here), kitobni och (open the book), turing (stund up), doskaga qarang (look at the blackboard) kabi gaplarda imo-ishoralardan foydalansa bolaga tushunarli bo'ladi.

- **ko'rgazmali qurollar, plakatlar, kitoblar orqali;**

- **ko'zga ko'rinadigan va kundalik hayotda ko'p ishlatiladigan narsa,**



buyumlarga yozish. Masalan: kitob (book), stol (table), doska (blackboard), oyna (window) va shu kabilarga yozish. Bunday narsa-buyumlar doimo ko'zga tushib turishi va amliyotda ko'p qo'llanishi bois, bola bu so'zlarni ixtiyorsiz tarzda o'rganadi.

Bog'cha yoshidagi bolalarga chet tilini o'rgatishda psixologik - pedagogik xususiyatlarini, ya'ni ularning qiziquvchanliklarini va serhafsalliklarini inobatga olish lozim. Shuningdek, bolalar uzoq muddat davomida o'z diqqatlarini bir turdagi faoliyatga qarata olmasliklarini yodda tutish zarur. Shuning uchun mashg'ulotlarda bolalarning faoliyati turli bo'lishi va xissiyotlarga boy bo'lishi shart. Ko'pgina tadqiqotchilarning fikriga ko'ra, bog'cha yoshidagi bolalarni o'qitish o'yin motivatsiyasi orqali amalga oshirilsa va o'z tenqurlari orqali baholansa samarali natija beradi.

Umumiy o'rta ta'lim tizimida xam xozirgi kunda o'quvchilarga til o'rgatish borasida keng islohatlar amalga oshirilmoqda. Maktab o'quvchilarida chet tilidagi muloqot maqsadga yo'naltirilgan bo'lishi lozim. Bolalarda chet tilidagi nutqqa nisbatan ijobiy ruxiy moyillikni shakllantirish lozim. Bunday ijobiy moyillikni shakllantirishda o'yinlar muhim ahamiyat kasb etadi. Darsda o'yinlar epizodik va yakka holda bo'lishi maqsadga muvofiq emas. O'yinlar chet tili jarayoniga biriktiruvchi va integrallashtiruvchi xususiyatga ega bo'lgan boshqa turdagi faoliyatni o'z ichiga olishi lozim. O'yin metodi asosida tasavvuriy vaziyatni shakllantirish va bola yoki o'qituvchi tomonidan u yoki bu rolni ijro etish yotadi. Chet tilini o'rganishning boshlang'ich bosqichi quyidagi ko'nikmalarni o'z ichiga oladi:

- chet tilidagi so'zlarni o'qituvchining, til sohibi yoki diktorning, ortidan fonetik jihatdan to'g'ri takrorlay olish, ya'ni bosqichma-bosqich fonetik jihatdan eshitib tushunish va to'g'ri talaffuz qilish ko'nikmasini shakllantirish;
- ingliz tili lug'atini o'rganish, mustahkamlash va faollashtirish;
- ma'lum miqdordagi murakkab bo'lmagan grammatik strukturalarni o'rganish, o'zaro bog'langan gaplarni tuzish.

O'yinlarning xam turlicha guruxini farqlashimiz mumkin ya'ni:

- o'yin faoliyati predmetlarning asosiy belgilarini ajrata olish va taqqoslash malakasini shakllantiruvchi mashqlar, predmetlarning muayyan belgilarini umumlashtiruvchi o'yinlar guruhi;
- maktabgacha yoshdagi bolalarda o'z-o'zini boshqarish, so'zlarga tez javob berish, fonematik jihatdan eshita olish tezligini rivojlantiradigan o'yinlar guruhidan iborat;

Bunda o'yin syujeti o'qitishning asosiy mazmuniga parallel ravishda rivojlanadi, o'quv jarayonini faollashtirishga yordam beradi. O'yin chet



tillarini o'rganishning ilk bosqichida ustun hisoblangan eslab qolishga ko'maklashadi.

Chet tilidagi muloqot doimo maqsadga yo'naltirilgan bo'lishi lozim. Bolalarda chet tilidagi nutqqa nisbatan ijobiy ruxiy moyillikni shakllantirish lozim. Bunday ijobiy moyillikni shakllantirishda o'yinlar muhim ahamiyat kasb etadi. Darsda o'yinlar epizodik va yakka holda bo'lishi maqsadga muvofiq emas. O'yinlar chet tili jarayoniga biriktiruvchi va integrallashtiruvchi xususiyatga ega bo'lgan boshqa turdagi faoliyatni o'z ichiga olishi lozim.

Bilamizki, bolalar qiziquvchan. Ular bir xillikdan tez zerikadi. Shuning uchun ularga har doim bir turdagi usullardan foydalanib dars o'tish emas, balki bunday usullarni o'zgartirib, yangilab dars o'tish lozim. Aks holda bolalar o'qituvchining qanday dars o'tishini fahmlab olishadi va bunga shunga ko'ra tayyorgarlik ko'rishadi. Usullarni yangilab dars o'tish bolalarning intilishlarini oshiradi.

Oliy ta'lim tizimida xam bizga ma'lumki, bugungi kunda yurtimizda yoshlarning chet tillarini mukammal o'rganishi uchun etarli shart-sharoitlar yaratilmoqda, yosh avlod vakillariga chet tilini o'rgatishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Shu bilan birga, bo'lajak kadrlar salohiyatini oshirish maqsadida bir qator ishlar amalga oshirilayotir. Mazkur isloxlardan ko'zlangan maqsad oliy ta'lim sohasida xorijiy tillarni o'qitish tizimini yanada takomillashtirish hamda uni keng targ'ib qilishdan iborat. Bularning barchasi uzluksiz ta'lim tizimida chet tilini o'qitishning lingvistik, pragmatik, didaktik va yana bir qancha samarali yo'nalishlari nuqtai nazaridan ko'rib chiqildi. Ayniqsa ta'lim muassasalarida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanib, bilim berishning ilg'or uslublarini qo'llab, chet tillariga o'qitish, xorijiy tillarda erkin so'zlasha oladigan mutaxassislarni tayyorlash uchun keng imkoniyatlar yaratilgan. Odatda, o'qituvchi xorijiy tilni o'rgatish, o'qitish usulini uzi tanlaydi. O'qitishning mazmuni deyarli o'zgarmaydi, ammo uni talabalarga etkazish usuli o'zgarishi mumkin.

O'qitishning bir kancha usullari mavjud. Agar biror matn muxokama qilinsa, talabalarni kichik guruxlarga bo'lib, jamoa yo'li bilan baxs-munozara o'tkazish maqsadga muvofiqdir. Bu usulda texnik vosita, audio-yozuvlardan foydalanish mumkin. Usullarni qo'llaganda vaqtni doimo xisobga olish zarur.

Akliy xujum (Brain storming) usuli. Ushbu usul talabalarning faol ishtiroki xamda ularning bilim saviyalari darajasini namoyon kiladi. Bu talabalarni g'oyalar o'ylab topishga undaydi, erkin mulokotda bulish imkonini beradi va natijada ancha fikrlar to'planadi.



Savol-javoblar va rasmi o'yinlar (Discussion) usuli darslarni yanada mazmunli va qiziqarli o'tishga imkon beradi. Talaba xato kilishdan qo'rqmay, erkin o'z fikrini ayta olishi kerak. O'yin orkali o'qitishning texnologiyasida talabaning vazifalari quyidagilardan iborat:

1. Kutiladigan javoblar va e'tirozlarni o'ylash.
2. O'z bilimiga ishonish.

O'yinning axamiyati shundaki, o'qituvchida talabalarni ular erkin xolda faoliyat ko'rsatayotgan paytda kuzatish imkoniyati buladi. Natijada talabalarning faolligi, fantaziyalari, ijodiy qobiliyatlari, ishchanliklari, jamoada o'zini tutishlari xaqida ko'prok ma'lumotga ega bo'lish mumkin. Talabalar bir nechta guruxlarga bo'linadilar. Guruxlarning xar bir a'zosi o'z vazifalarini aniq bilishlari kerak. O'yinning vaqti cheklangan bo'lishi, u yakunlangach esa o'yin natijalari taxlil qilinishi lozim. O'yin orkali o'qitish texnologiyalari xam o'quv-tarbiyaviy jarayonda talabalarning chuqur bilim olishiga keng imkoniyatlar yaratib beradi. Ingliz tilini o'rgatishda talabalarni qiziqtirib o'qitish va bilimlarni to'liq o'zlashtirishlariga erishish zamonaviy pedagogik texnologiyalarning asosiy maqsadlaridan biri xisoblanadi.

Xulosa kilib aytganda, xorijiy tillarni o'rgatish ancha mushkul va mas'uliyatli ishdur. Xususan o'zga tilni o'qitish jarayonida pedagogik texnologiyalardan foydalanish talabalarning og'zaki nutq, tinglab tushunish, yozuv, o'qish ko'nikmalarini o'stirishga va erkin muloqot qilishlariga amaliy yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Xoshimov U., Yokubov I.. Ingliz tili o'qitish metodikasi. - T.: «Sharq», 2003.
2. Charlotte Bronte. Jane Eyre. London, 1992. -P. 93-95.
3. Maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyalanuvchilari va boshlang'ich maktab o'quvchilariga chet tilini o'rgatishda o'yinlar . Baxramova M.D. , – T. 2016. 70 b.
4. Рогова Г.В., Верещагина И.Н.. Методика обучения английскому языку на начальном этапе средней школы. - М., 1988.



МЕТОДИКА ИЗУЧЕНИЯ ХИМИИ В СРЕДНЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ И ВЫСШЕЙ ШКОЛАХ В УСЛОВИЯХ ИНТЕГРАЦИИ С АНГЛИЙСКИМ ЯЗЫКОМ

Р.АМАНОВ,

преподаватель ТГПУ им. Низами

Статья посвящена актуальной и недостаточно разработанной в отечественной методике преподавания химии проблеме межпредметной интеграции химии и иностранного языка в средней и высшей школах. Автором рассмотрены дидактические условия, формы и методы осуществления межпредметной интеграции учебных дисциплин «химия» и «английский язык».

Ключевые слова: методика преподавания химии, межпредметные связи, интегрированные уроки, английский язык для химиков.

The article deals with an important yet largely unexplored idea of interdisciplinary connections between Chemistry and Foreign Language at the secondary and high schools. The author examines didactic conditions, forms and methods of implementing interdisciplinary connections of Chemistry and English language and gives recommendations about how to organize such lessons.

Keywords: methods of teaching chemistry, interdisciplinary connections, integrated lessons, English for chemistry students.

Ushbu maqola o'qitish metodikasida actual va kam o'rganilgan muammoga o'rta va oily ta'limda kimyo va ingliz tili fanlararo integrallashuviga bag'ishlangan. Muallif tomonidan kimyo va ingliz tili fanlararo integrallashuvining didaktik sharoitlari, shakllari va amalga oshirish ushblari ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: kimyo o'qitish metodikasi, fanlararo bo'g'lanish, integrallashgan darslar, kimyogarlar uchun ingliz tili.

При обучении химии одной из форм интеграции знаний является реализация межпредметных связей со смежными дисциплинами – биологией и физикой. В последние годы появились интересные работы по интеграции химических знаний и знаний из области гуманитарных наук – литературы и изобразительного искусства. В зарубежных публикациях предпринимаются попытки проведения интегрированных уроков на материале химии и английского языка, но в публикациях, посвященных этой проблеме, много неточностей и ошибок, что объясняется недостаточно продуманной методикой проведения таких занятий, построенной в основном на интуитивном подходе, без учета дидактических условий и методических аспектов реализа-



ции подобной интеграции. К сожалению, в наших государственных общеобразовательных школах, а также в высших учебных заведениях проблеме межпредметных интеграций «химия – английский» внимание практически не уделяется.

К дидактическим условиям осуществления межпредметной интеграции «химия – английский язык» можно отнести:

1) опору на приемы двуязычной семантизации (усвоение учащимися смысла химических понятий на двух языках);

2) актуализацию специальных (химических) знаний в проблемно-коммуникативных ситуациях;

3) усвоение химического материала с использованием комплекса коммуникативных умений (рефлексивных, информационных, эвристических, креативных);

4) развитие у учащихся приемов логического мышления (обобщение, сравнение, классификация и др.), строящихся одновременно на химическом и лингвистическом материале;

5) осуществление принципа лично-ориентированного обучения;

6) обеспечение расширения межкультурной компетентности учащихся;

7) тщательный отбор химического и лингвистического материала с соблюдением всех дидактических принципов, при этом принцип доступности должен рассматриваться как приоритетный;

8) использование в речевой работе приемов формирования коммуникативного ядра, стимулирующего творческую, исследовательскую деятельность учащихся (для классов гуманитарного профиля).

При осуществлении интеграции химических знаний и знаний из области любого иностранного языка прежде всего необходимо ориентироваться на выявление связей между иностранным и химическим языком.

В настоящее время нами ведется работа по организации проектной деятельности по химии с элементами интеграции с английским языком на базе НОУ «Vosiq International School». В педагогическом эксперименте принимают участие учащиеся 8, 9-х классов, студенты химического факультета Ташкентского педагогического государственного университета им. Низами. В качестве примера нами приведена разработка одного из таких интегрированных уроков для учеников 9-го класса среднеобразовательной школы.

Интегрированный урок (химия + английский язык) «Углерод»



I. Вводное слово учителя

Today we'll have an unusual lesson. We'll speak English at Chemistry. You'll learn some interesting facts about carbon which is the basis for organic chemistry, as it is in all living organisms. Carbon is an important biological component for our bodies, systems, organs, cells. Carbon is a nonmetal that can bond with itself and many other chemical elements, forming nearly ten million compounds. Pure carbon exists free in nature and has been known since prehistoric time. The word "carbon" comes from the Latin carbo, for charcoal.

II. Повторение пройденного материала. Актуализация знаний учащихся.

Давайте вспомним какие химические элементы мы уже изучили?

Teacher: What chemical elements are these?

1. It is the seventh chemical element of the periodic table. It is in the cell between carbon and oxygen. (Nitrogen)
2. It is the first element in the group of halogen gases. (fluorine)
3. It is one of those elements that you will never find free in nature. It is very reactive. (Phosphorus)
4. It is the eighth element of the periodic table and in the second period. (Oxygen)

III. Изучение нового материала.

1. Строение атома углерода.

Teacher: What do you know about this element?

Pupils: CARBON (lat. Carboneum), this chemical element is in the IV group of the second period of the periodic table, its atomic number is 6, atomic weight is 12,011. Its ion has two power levels. The external power level contains 4 electrons.

Teacher: And what is the ELECTRONIC formula of the atom? Who can write it on the blackboard?

(Ученик пишет формулу атома углерода)

Teacher: Carbon gives its external electrons and becomes C^{+4}

When it takes 4 electrons it becomes C^{-4}

2. Для углерода характерно явление аллотропии.

Teacher: Allotropy. The ability of structural units of a substance to unite with one another in more than one crystalline form is called allotropy. Carbon is found free in nature in three allotropic forms: amorphous or fullerenes, graphite, and diamond.



3. Работа с текстами в группах.

Teacher: Now you'll work in groups. Your task is to read short texts paying attention to the words under the text. Try to understand it and then retell it in Russian. Time for reading is 2 minutes, for discussion in groups – 1 minute. Questions on the screen will help you to retell the text.

Group 1

A diamond is crystalline modification of pure carbon. The word “diamond” is from Greek, it means “hardest steel” or “hardest substance”. Everyone knows diamonds are hard and beautiful, it is a brilliant precious stone, but did you know a diamond could be the oldest material you might own? While the rock in which diamonds are found may be 50 to 1,600 million years old, the diamonds themselves are approximately 3.3 billion years old. Diamonds also may be formed under the high pressures and temperatures at the site of meteorite impacts. Diamond is made up of repeating units of carbon atoms joined to four other carbon atoms. The structural unit of diamond consists of 8 atoms, fundamentally arranged in a cube. This network is very stable, that is why diamonds are so very hard and have a high melting point. They are used in industry, they are the best and the most expensive jewelry.

Substance - вещество

Pure - чистый

Precious - драгоценный

Pressure - давление

Network - решетка


meltingpoint – точкаплавления

jewelry – ювелирное изделие


4. Химические свойства.

Зная строение атома данного элемента мы можем предположить химические свойства углерода. В нормальных условиях углерод химически малоактивен, однако при высокой температуре он реагирует со многими веществами. Самой активной формой является аморфный углерод, менее активен графит, самый инертный - алмаз.


При нагревании углерод соединяется с кислородом, образуя оксид углерода (IV), или углекислый газ:






При недостатке кислорода образуется оксид углерода (II), или угарный газ:




С водородом углерод соединяется только при высоких температурах и в присутствии катализаторов. В зависимости от температуры образуются различные углеводороды, например, метан:




Углерод взаимодействует при нагревании с серой и фтором, в электрической дуге с азотом:




Углерод - сильный восстановитель. При нагревании с водяным паром он вытесняет из воды водород:




При нагревании углерода с оксидом углерода (IV) образуется угарный газ:



Углерод восстанавливает многие металлы из их оксидов:



С металлами или их оксидами углерод образует карбиды:



Древесный уголь, получаемый при нагревании древесины без доступа воздуха, является одной из разновидностей так называемого аморфного углерода. Исследованиями последнего времени установлено, что «аморфный» углерод часто представляет собой мелкокристаллический графит. Замечательной особенностью этого угля является способность осаждать и удерживать на своей поверхности (адсорбировать) различные вещества.

The phenomenon of adsorption was found by Toriy Egorovich Lovits in 1785. It was used in England to clean the air up in the Houses of Parliament and the water of the river Thames which is greatly polluted. The water in the river is dirty and smells awful. During the first World War adsorption was used in the fight with poisoning substances.

Teacher: You've got cards. Put them in the correct order to check how well you know the circulation of carbon in nature.

(Ученики получают по 3 карточки, которые нужно разложить в правильном порядке.)

1) Animals eat plants (sugar for energy)



and breathe in Oxygen
and breathe out Carbon dioxide gas
2) Plants use Carbon from the air (carbon dioxide)
and water
and energy from Sunlight
3) Plants use
Carbon dioxide
and
animals die and compose
Nutrients returned to soil

IV. Закрепление пройденного материала.

1. Работа по вопросам.

- Назовите основные аллотропные модификации углерода.
- Чем вызваны различные свойства алмаза, графита и фуллерена?
- Что такое адсорбция?
- Чем объясняется не высокая химическая активность углерода?
- Какая из модификаций углерода наиболее химически активна?

Данный метод проведения интегрированных занятий полезен как для учеников так и для студентов, изучающих английский язык и планирующих в будущем связать свою жизнь с химией. Цель таких занятий «химия-английский» – развить навыки чтения текстов с химической направленностью, а также разговорные навыки.

Использованная литература:

1. Е.Б. Борунова «Методика изучения химии в школе в условиях интеграции с английским языком», диссертация, Москва 2010 г
2. Т.А. Степанова, И.Ю. Ступина «Английский язык для химических специальностей. Практический курс», Москва, С-Петербург, 2006 г
3. М.М. Кутепова «The World of Chemistry», Москва 2001 г
4. М.Ю. Горковенко «Поурочные разработки по химии 9 класс», Москва: «Вако», 2004
5. О.С. Габриелян учебник «Химия 9 класс», Москва: «Дрофа», 2007
6. Борунова Е.Б. Химия на английском: не навреди // Химия в школе. – 2008. – № 7.
7. Котляр М. Как использовать знание иностранного языка при обучении химии // Химия в школе. – 2001. – № 3.



**МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИЯЛАР
ВА ИЛФОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР**

В.САТТОРОВ,
ТТЕСИ доц., п.ф.н.,
Ш.Э.МАМАРАЖАБОВ,
ТТЕСИ, п.ф.н.

Ушбу мақолада мутахассислик фанларини ўқитишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари ёритиб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: инновацион таълим методлари, интерфаол таълим, таълим, таълим-тарбия жараёни.

На этой статье раскрыта дидактические возможности использования инновационных педагогических технологий при обучении специальных дисциплин.

Ключевые слова: инновационные методы обучения, интерактивное обучение, образование, учебно-воспитательный процесс.

In this article considers of didactic possibility using innovations pedagogical technologies at learning special disciplines.

Key words: innovative methods of education, interactive education, education, educational process.

Бугунги кунда узлуксиз таълим жараёнида инновацион технологиялардан самарали фойдаланишга нисбатан катта талаб қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да баён этилганидек, бугунги кунда жамиятда юқори малакали кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёж мавжуд бўлган, уни қондириш масаласи тобора долзарблик касб этаётган бир вақтда кафолатланган таълим хизматларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Кафолатланган, самарали натижага асосланган таълим тизимигина малакали кадрларни тайёрлаб бера олади. Шу сабабли айни вақтда педагогик технологияларни янада такомиллаштириш, инновацион характердаги технологияларни яратиш ва уларни таълим амалиётида самарали, фаол қўллаш талаб этилмоқда.

Педагогик жараёнда қўлланиладиган инновацион технологиялар ўз моҳиятига кўра шахсга индивидуал ёндашув масаласини илгари суради. Шахснинг индивидуаллигига асосланиш унинг фаоллигини ошириш, қо-



билиятларининг тўлақонли намоён бўлишини таъминлаш, маънавий-ахлоқий ва шахсий сифатларини ривожлантириш саналади. Шу билан бирга инновацион характердаги педагогик технологиялар ҳар бир шахс учун танлаш ва эркин ривожланиш имкониятини яратишга хизмат қилади.

Инновацион характерга эга педагогик технологияларнинг амалий-дидактик ва техник имкониятлари ҳақида сўз юритиш дастлаб “инновация” тушунчаси моҳиятини англаб олишни тақозо этади.

Луғавий жиҳатдан “инновация” (“innovation”) тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда “янгилик киритиш” деган маънони англатади. Мазмунан эса тушунча негизда “инновация” тушунчаси муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолиятни ифодалайди.

Инновацияларнинг асосий кўринишлари қуйидагилар саналади:

– янги ғоялар; – тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар; – ноанъанавий ёндашувлар; – одатий бўлмаган ташаббуслар; – илғор иш услублари.

Таълим инновациялари – узлуксиз таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади. Улар:

1. Фаолият йўналишига кўра: педагогик жараёнда ёки таълим тизими бошқаришда қўлланиладиган инновациялар.

2. Киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра: радикал, модификацияланган ҳамда комбинацияланган инновациялар.

3. Ўзгаришларнинг кўламига кўра: тармоқ (локал), модул ва тизим инновациялари.

4. Келиб чиқиш манбаига кўра: жамоа томонидан бевосита яратилган ёки ўзлаштирилган инновациялар.

Барча соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам “новация”, “инновация” ҳамда уларнинг моҳиятини ифодаловчи фаолият тўғрисида сўз юритилади.

Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса у новация (янгилаиш) деб юритилади. Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизим-



нинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у ҳолда у инновация (янгилик киритиш) деб аталади.

Таълим инновациялари қуйидаги ўзгаришларга олиб келади (И.П.-Подласый):

- педагогик тизимнинг тамомила ўзгариши; - ўқув жараёнининг ўзгариши;

- педагогик назариянинг ўзгариши; - ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши;

- талаба фаолиятининг янгиланиши; - педагогик технологиянинг ўзгариши; - таълим мазмунининг янгиланиши; - ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши; - таълим тизими бошқарувнинг ўзгариши; - таълим мақсади ва натижаларнинг ўзгариши.

Инновацион фаолият – янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ҳолатларнинг мавжуд ҳолатларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият.

Инновацион фаолият илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш асосида янги технологик жараён ёки янги тақомиллаштирилган мақсулот яратишдан иборат.

Педагогнинг инновацион фаолияти: янгиликни қўллашга тайёргарлиги; педагогик янгиликларни қабул қилиши; новаторлик даражаси; коммуникатив қобилиятнинг ривожланганлиги; ижодкорлиги билан белгиланади.

В.Сластениннинг фикрига кўра инновацион ёндашув: ижодий фаоллик; фаолиятга янгилик (ўзгартириш) киритишга технологик ва методологик тайёргарлик; янгича фикрлаш; юксак муомала маданиятига эга бўлишни ифодалайди.

Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш бир неча босқичларда кечади. Улар қуйидагилардир:

1. Муаммони таҳлил асосида аниқлаш.
2. Мўлжалланаётган таълим тизимини лойиҳалаш.
3. Ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштириш.
4. Ўзгаришларни амалга ошириш.

Педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакалари-



ни ўзлаштира олишларида уларнинг инновацион ёндашувга эга бўлишлари талаб этилади. Педагогларда инновацион ёндашувнинг қарор топиши ҳам муракаб жараён бўлиб, у бир неча босқичда кечади. Яъни:

1-босқич: тайёр методик тавсиянома (мавжуд инновация)лардан фойдаланилади.

2-босқич: мавжуд тизимга янги ғояларни, методларни киритади.

3-босқич: янги ғояни амалга ошириш мазмуни, шакл ва методларини тизимлаштиради.

4-босқич: педагог ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз концепцияси ёки методикасини яратади.

Бу жараён узлуксиз бўлиб, таълим узлуксиз тизимида дарс бераётган барча ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, хорижий ва илғор тажрибаларни ўрганиши ва уни таълим жараёнига татбиқ этиши асосида амалга оширилади.

Жумладан, ўқувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёни дастлаб умумтаълим мактабларида “Технология” фанини ўқитишда, сўнгра касб-ҳунар ва олий таълимда мутахассисликка оид фанларни ўқитиш жараёнида амалга оширилади. Ушбу жараённинг узлуксизлигини таъминлаш таълим тизимлари ўртасида ўзаро узвийлик ва изчилликни таъминлаш масаласини илгари суради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2017 йил, 488 бет.

2. Педагогика / В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мищенко, Е.М.Шиянов. – Москва: Владос, 2007.

3. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўл. – Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2013.



ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БОЛАЛАРНИНГ ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

А.С. МУСИНОВА,
БухДУ ўқитувчиси

В статье идёт речь о декоративно – прикладном искусстве как одного из факторов гармонического развития личности. Посредством общения с народным искусством происходит обогащение души ребенка, прививается любовь к своему краю. Соприкосновение с народным декоративно-прикладным искусством обогащает ребенка, воспитывает гордость за свой народ, поддерживает интерес к его истории и культуре. А также во взаимосвязи с игровой и театрализованной деятельностью детей на народном содержании.

Ключевые слова: декоративно-прикладное искусство, народное творчество, национальная игрушка, деятельность, развитие воображения, творческие способности, различать узоры, декоративные элементы, дидактическая игра, развитие художественного восприятия.

The article deals with decorative and applied art as one of the factors of harmonious development of the individual. Through communication with folk art, the child's soul is enriched, and love for their land is instilled. Contact with folk arts and crafts enriches the child, cultivates pride in their people, and maintains interest in their history and culture. As well as in connection with the game and theatrical activities of children on the national content.

Key words: decorative and applied art, folk art, national toy, activity, development of imagination, creativity, distinguish patterns, decorative elements, didactic game, development of artistic perception.

Мактабгача ёшдаги боланинг табиий қизиқувчанлиги ва когнитив фаоллигини турли хил қизиқарли визуал фаолият турлари билан таъминлаш жуда муҳимдир. Болалар боғчасида кулолчилик ўйинчоқларини моделлаштириш бўйича машғулотлар боланинг нозик восита қобилиятлари ва қўл маторикаси кўникмаларини, ижодий қобилиятларини ва эстетик таъмини ривожлантиради, шунингдек, миллий маданиятига қизиқишини уйғотади.

Танишишнинг биринчи босқичида халқ хунарамандчилиги тарихи ҳақида қисқача маълумот берилди. Болалар халқ хунарамандларининг ишларини, наққошлик буюмларини, зардўзлик буюмларини, тайёр қандакорлик маҳсулотларини қизиқиш билан кўриб чиқдилар. Кейинги босқичда болалар доиралар, нуқтали безаклардан фойдаланган ҳолда миллий ўйинчоқларнинг тасвирини чизишди. Ўйинчоқларни ҳисобга олган ҳолда, болалар нақшни ажратиб олишни ўргандилар, чизишда асосий рангни танладилар ва ниҳоят, нақш элементларидан бирини чизишни ўргандилар. Бизлой ўйинчоқларининг номларини эслаб қолиш вазифасини олдиларига қўймадик, энг муҳими, болаларнинг қизиқиши ва севгисини уйғотиш, ранглар ва шаклларни эслаб қолиш ва ўрганиш эди.



Ўрта гуруҳда халқ ўйинчоқлари билан ишлаш давом этилади. Бу ёшда биз болаларнинг эътиборини миллий ўйинчоқига жалб қиламиз, уларга қизиқиш, ҳиссий муносабат, у билан учрашишдан қувонч ҳисси пайдо бўлади. Ўйинчоқ билан ҳаракат қилиш истагини уйғотиш (хуштак чалиш, ўйнаш, бажариш...) болаларни ўйинчоқларни ўрганишга, уларнинг гўзаллигини кўришга ундашга ҳаракат қиламиз. Биз безак элементлари билан таништирамиз. Нақшни ўрганиш билан параллел равишда биз кекса одамнинг (миллий кийинган чол) пластик формасини ҳам ўргатамиз.

Катта гуруҳда биз болаларни турли хил декоратив ва амалий санъат турлари билан таништиришни давом эттирамиз. Декоратив ва амалий санъат материаллари болаларнинг ёши, индивидуал хусусиятлари ва машғулот мавзусини ҳисобга олган ҳолда танланади. Халқ ижодкорлиги соф ва абадий манбадир. Болаларни халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари билан таништирар эканмиз, уларни миллий маданиятга жалб қиламиз, уларга гўзаллик дунёсига киришга ёрдам берамиз, табиат рангларининг ноёб комбинациясини кўришни ва ҳис қилишни ўргатамиз, ҳаётдан завқ олиш ва севиш зарурлигини уйғотамиз.

Ўзбек декоратив-амалий санъатининг айрим турлари ҳақидаги тushunchalar нафақат дарсларда, балки дидактик ўйинлар жараёнида ҳам шаклланади. «Қўғирчоқнинг қўйлагини безанг», «эчкини безагин». Дидактик ўйин кўп қиррали, мураккаб педагогик ҳодисадир: бу мактабгача ёшдаги болаларни ўқитишнинг ўйин услуби ва мустақил ўйин фаолияти ва боланинг шахсиятини ривожлантириш воситасидир. Барча дидактик ўйинлар йил давомида болалар фаолиятида ўтказилади. Ишимиз давомида биз кўرғазмали қуроллардан фойдаланамиз: репродукция, иллюстрациялар, ҳикоялар, тайёр маҳсулотлар, усталарнинг ишларидан намуналар. Булар дидактик ўйинларнинг элементлари ва машғулотлар учун қўлланмалар. Гуруҳда турли хил репродукциялар, иллюстрациялар, китоблар, ихтиёрий томоша қилиш учун расмлар доимо намоиш этиладиган тасвирий фаолият бурчаги, китоб бурчаги мавжуд. Болаларнинг ахлоқий ва бадий-эстетик тарбиясида ўзбек адабиёти, рангтасвир, мусиқа билан танишиши орқали уларни миллий маданиятга жалб этиш ҳам муҳим ўрин тутди.

Болалар нутқининг ифодасини ривожлантиришнинг энг муҳим манбалари оғзаки фольклор санъати, шу жумладан кичик фольклор шакллари (мақоллар, сўзлар, жумбоқлар, кулгили аскиялар, тез айтишлар) ҳисобланади. Болаларда ижодий қобилиятларни тўлиқ ривожлантириш учун биз техник воситалардан фойдаланамиз: магнитофон. Бўш вақтларида болалар эртақларни тинглашади, иллюстрациялар намоиши билан бирга, миллий ўйинчоқлар билан қувноқ мусиқа остида рақсга тушадилар. Ишни мунгазам равишда олиб бориш натижасида, болалар маълум билим, маҳорат ва кўникмага эга



бўлишади. Расм чизиш, лой билан ишлаш бўйича техник кўникмаларни ўзлаштириш болаларда тасвирий ижодга доимий қизиқиш уйғотади. Фаолиятнинг мазмуни бойитилади, ўйин ғояси ривожланади: буюмларни декоратив безаш, ўйинга оид сифатли моделларни ясаш. Бир ўқув йили учун якуний ташхис натижалари шуни кўрсатдики, болалар нафақат маълум билимларни эгалладилар, балки олинган билимлардан фойдаланиб, ўз ишларини бажаришга ижодий ёндашдилар. Иш болаларга қувонч ва мамнуният бахш эта бошлади, ўз маҳсулотларини яратиш, бажариш истагини тарбиялади.

“Эчкини безагин” дидактик ўйини

Тавсиф: кичик, ўрта ва катта мактабгача ёшдаги болалар ҳамда бошланғич синф ўқувчилари учун қизиқарли ва ранг-баранг ўйин ҳисобланади. Ўйин тарбиячилар, амалиётчилар учун фойдалидир. Ўйин халқ ўйинчоқларини эстетик идрок этишни, мактабгача ёшдаги тарбияланувчиларнинг фикрлашини ва хотирасини ривожлантиради, болаларда когнитив қизиқишни уйғотади, билимларни мустаҳкамлайди ва уларнинг турли нақшлар ва уларнинг миллий ўйинчоқлари тузилиши ҳақидаги тасавурини кенгайтиради. Бундан дарслар жараёнида ёки мактабгача ёшдаги болаларнинг мустақил фаолиятида кўнгил очар ўйин сифатида фойдаланиш мумкин.

Мақсад: болаларнинг миллий ўйинчоқ, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш, уларни халқ декоратив ва амалий санъати билан таништириш орқали эстетик ҳис-туйғуларни шакллантириш ва боланинг бадиий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш.

Вазифалар:

- Болаларнинг миллий ўйинчоқ, унинг хилма-хиллиги, характерли хусусиятлари, нақш ва элементларнинг хусусиятлари (доиралар, ҳалқалар, нуқталар, чизиқлар) ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш. Болаларда ўйинчоқлар ёрқин, байрамона рангларда безатилганлиги ҳақидаги тасаввурини мустаҳкамлаш.

- Ўйинчоқларни кетма-кетликда нақш билан безашни ўргатиш, иш жараёнида таниш элементларни чизиш учун илгари орттирилган кўникмаларидан фойдаланиш.

- Халқ санъатига қизиқишни ва муҳаббатни уйғотиш, Ватанига, халқимизга муҳаббатини уйғотиш, халқ ҳунармандларидан оддий усулларни ўрганиб, ўз қўллари билан нимадир ясашга интилишини уйғотиш.

1. Болаларни миллий ўйинчоқлар билан таништирилади. Ҳар бирини қўлига алоҳида ўйинчоқ берилади. Болалар ўйинчоқларни ушлайдилар, ҳуштак чалиш мумкинлиги тушунтирилади.

2. Болаларда аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун экранда кулолчилик устаҳонасида олинган видео кўрсатув намоиш қилинади. Уста кулол Кубаро буви ижоди билан таништирамиз.



3. Ана энди ўз қўлларимиз билан Кубаро буви тайёрлаган эчкиларни рангли қилиб безаймиз.

4. Болаларга олдин қоғозда бажарилган айлана, нуқта ва чизиқли нақшлар эслатилади ва чизиб намуна сифатида кўрсатиб берилади.

5. Машғулот охирида ҳар бир боланинг ижоди муҳокама қилинади. Кун охирида ота-оналар учун ижодий кўргазма бурчаги ташкил қилинади. Ушбу дидактик ўйинни бошланғич синфларда ҳам қўллаш ижобий натижа беради.

Жумладан, мактабгача ва бошланғич таълимга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Халқ амалий санъати билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш, миллий қадриятларимизни болалар руҳига сингдириш ишларини намунали йўлга қўйиш ҳаётий заруриятдир. Мактабгача таълим тури – болани мактабга тайёрлаш билан бирга, уни соғлом бўлиб ўсишини таъминлайди, мунтазам таълим олишга тайёрлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари ва тарбияланувчилари билан суҳбат, оғзаки ва ёзма сўровлар ўтказиш, машғулотларни кузатиш натижасида маълум бўлдики, болаларга машғулотлар жараёнида кулолчилик хунари билан таништириш орқали таълим-тарбия бериш асосида меҳнат малака ва кўникмаларнинг сифатини орттириш, тарбиячиларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда самарали ютуқларга эришиш мумкин. Хусусан:

- Ўзбек халқ амалий санъати музейи бўйлаб экскурсиялар ташкил этиш;
- «миллий ҳунармандчилик» мавзусида мужассам машғулотлар, суҳбатлар ташкил этиш;
- ҳунармандлар билан учрашувларни мунтазам уюштириш.

Буларнинг барчаси таълим ва тарбиявий ишларнинг мазмуни ва йўналишини англаувчи тадбирлардир. Мактабгача ва бошланғич синф ўқувчиларида халқ амалий санъати билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришни юқори даражада таъминлаш болаларнинг касбларга бўлган қизиқишларини кучайтиришга хизмат қилади. Бу эса таълим-тарбия жараёнида самарали натижаларга эришишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Болажон таянч дастури. Т: «Sano standart», 2010.- 56.
2. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий-безак санъати. Ўқув услубий қўлланма. Т. 1991й. – 656.
3. Нурматова М., Хасанова Ш., Азимова Д. Устахонада амалий машғулот. «Чўлпон», Т. 2010.- 256.
4. Шодмонова Ш. Мактабгача таълим педагогикаси. «Фан ва технология», Т. 2008. – 126.



*Журналнинг ушбу сонини
тайёрлашда қатнашганлар:
Л.М.Қорахонова, С. Пирматов.*

*Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан
03.01.2007 йилда № 0101 тартиб рақами билан
рўйхатдан ўтган.*

*«Узлуксиз таълим» журнали Ўзбекистон Республикаси ОАК
раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан
педагогика ва психология фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.*

*Журналга 1,5 интервалда 7-8 бет ҳажмдаги материал
Times New Roman шрифтида электрон версияси билан бирга
қабул қилинади.*

Босишга рухсат этилди: 22.06.2020 й. Қоғоз бичими 60x84^{1/16}.
Офсет босма усулида босилди. 8 босма табақ.
Адади нусха. Буюртма

**“ADAD PLYUS” МЧЖ матбаа корхонаси.
Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 28-уй**